БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 183 (7630)
6 АВГУСТ
ЯКШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Бугун — Бутун Иттифоқ физкультурачилар куни.

Ватанимизнинг мард, қувноқ физкультурачиларига шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин совет физкультурачиларининг отаси ва ғамхўри ўртоқ СТАЛИН!

Совет спортчиларининг шонли байрами

Бутун Бутун Иттифоқ физкультурачилар куни. Бу байрам — совет халқининг қувончли ва гўзал байрамидир. Бу кун давримизнинг сталинчи ёш наслининг, қувноқ, эпчил, бақувват совет ёшларининг куч-қувватига, маҳоратига, спорт соҳасидаги муваффақиятларига кўрик кунидир.

Бизнинг мамлакатимизда физкультура ва спорт меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг муҳим шартларидан биридир. Совет Иттифоқида оммавий физкультура ҳаракатини ривожлантириш учун бутун шароит яратиб берилган. Бизда физкультура ва спорт совет кишиларини соғлом, бақувват, меҳнатга ва социалистик Ватанимиз мудофаасига тайёр қилиб тарбиялайди. Шунинг учун ҳам большевиклар партияси, совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Сталин физкультура ва спортни ривожлантиришга, уни оммавий ҳаракатга айлантиришга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқдалар. Совет давлати ва большевиклар партиясининг асосчилари бўлмиш улуғ Ленин ва улуғ Сталин кишиларни жисмоний тарбия билан шуғулланишга даъват этиб келдилар ва жисмоний тарбиянинг ролига катта баҳо бердилар. Владимир Ильич «Энг муҳими, кундалик ва зарур гимнастикани унутма, ўзингни бирнеча ўн марталаб ҳархил ҳаракатлар қилишга (сра ҳам эринмасдан!) мажбур эт! Бу жуда ҳам муҳимдир» деб таълим берарди. Ўртоқ Сталин эса мамлакатимиз ва физкультура ташкилотларимиз олдига «Совет мамлакатимиз қудратини юксак даражага кўтаришга ва уни душманлар томонидан бўладиган қасдлардан кўкрак кериб ҳимоя қилишга қобилиятли, соғлом ва ҳушчақчақ авлод тарбиялаб етиштириш керак» деган улуғвор вазифани қўйди. Совет халқи Ленин васиятларини амалга ошириб, Сталин томонидан қўйилган вазифаларни бажариб, совет спортини ривожлантиришда катта ғалабага эришди. Ватанимизда физкультура ва спорт миллионларнинг жонажон ва кундалик севган ишига айланиб кетган.

Ҳечқайси мамлакатда физкультурани ривожлантириш, меҳнаткашларнинг жисмоний тарбияси ҳақида бизнинг Ватанимиздагидек ғамхўрлик қилинмайди. Совет ҳукумати халқимизни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш учун мингларча стадион, спорт майдонлари, спорт заллари, сув станциялари, ўрта ва олий ўқув юртлари очиб қўйган. Физкультура ва спорт ишларини ривожлантириш учун давлат бюджетидан ҳар йили бирнеча миллион сўм маблағ сарф этилади. Энг яхши физкультурачилар, янги рекорд қўйган спортчилар давлатимиз томонидан рағбатлантириб борилади.

ВКП(б) Марказий Комитети 1948 йил декабрь ойида чиқарган тарихий қарорида физкультура соҳасидаги асосий вазифа—аҳоли ўртасида оммавий физкультура ҳаракатини кенг ривожлантириш, спорт маҳоратини ошириш ва бу асосда яқин йиллар ичида спортнинг муҳим турлари юзасидан жаҳон биринчиликларини эгаллашдан иборат деб кўрсатган эди. Совет спортчилари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари партиямиз Марказий Комитетининг бу қарорини бажариш учун курашиб, катта муваффақиятга эришдилар. Ўтган йили совет спортчилари жаҳонда 32 та ва Бутун Иттифоқда 400 дан ортиқ янги рекорд қўйдилар. Эндиликда Ватанимиз спортчилари спортнинг жуда кўп турлари юзасидан жаҳон биринчиликларини олдилар. Мана бу факт социализм мамлакатида физкультура ва спортнинг кундан-кун барқ уриб яшнаётганидан далолат беради.

Сталинча бешйилликлар даврида Ўзбекистонда физкультура ва спорт ишлари кенг ривож топди. Республикамизнинг ҳамма ерларида, аҳолиси физкультура билан шуғулланмоқдалар. Бир мисолларга Ўзбекистон битта ҳам спорт мастерига, чемпион ва рекордчисига эга эмас эди. Эндиликда эса улар ўнлаб ҳисобланади. Ўзбекистон физкультурачилари Бутун Иттифоқ, ҳатто жаҳон мусобақаларида қатнашмоқдалар. Ўтган йили республика бўйича 188 та янги рекорд қўйилди. 10 кишига СССР спорт мастери, 12 кишига мастерликка кандидат унвони берилди. Галина Шамрай, Попов, Жўраев, Шеломецкий, Исмоилов, Ҳамдамова сингари физкультурачиларимиз Совет Иттифоқида танилдилар.

Бутун Иттифоқ физкультурачилар куни Ўзбекистон физкультурачиларининг VI спартакиадаси бошланадиган бир кунда байрам қилинмоқда. Бу кун республикамиз физкультурачилари спорт соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақида партия ва ҳукуматимизга, ўртоқ Сталинга рапорт берадилар. Спартакиада олдидан район, шаҳар ва областьларда оммавий мусобақалар бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда ўн мингларча физкультурачи қатнашди. Республика спартакиадасида ана шу мусобақаларда ғолиб чиққан энг яхши физкультурачилар иштирок этадилар. Спартакиадага тайёргарлик республикамизда оммавий физкультура ҳаракатини янада ривожлантириш билан нишонланди. Бу давр ичида жуда кўп физкультура коллективи тузилди, физкультура коллективлари ва жамиятлари атрофига мингларча йигит ва қизлар уюшдилар. 70 та футбол майдони, 58 та баскетбол, 400 та волейбол майдончалари ташкил этилди. Жуда кўп районлар ГТО значкистлари тайёрлаш йиллик планларини ошириб бажардилар.

Мана бу ютуқлар билан бирқаторда физкультура ташкилотларимиз ишида жиддий камчиликлар ҳам бор. Республикамизда оммавий физкультура ҳаракати ва спортнинг барча турлари партиямиз ва ҳукуматимиз талаб этганча ривожлантирилмаган. Кўпчилик колхоз, совхоз, саноат корхоналарида ёшларнинг бир қисми физкультура билан шуғулланмайди. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари барча комсомол ва ёшларнинг физкультура билан шуғулланишларига эришган эмаслар. Қуйи коллективлар ва спорт жамиятлари ишларига қониқарсиз раҳбарлик қилинмоқда. Колхозларда, район ва шаҳарларда спорт мусобақалари тез-тез ўтказиб турилмайди. Спортнинг халқимиз севадиган турларини ривожлантиришга кам эътибор берилади. Бу ўринда йил бошидан буён фақат бир марта ўзбекча кураш мусобақаси ўтказилганлигини, от пойгалари мутлақо ўтказилмаганлигини айтиш кифоя. Физкультура ташкилотларида ўз-ўзини танқид кучайтирилмаган.

Республика физкультура ва спорт ишлари комитетининг раҳбарлари кабинетдан туриб иш кўришга ўрганиб қолганлар. Улар жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан таниш эмаслар. Кампаниячилик раҳбарликда қораланган методдир. Афсуски республика комитетининг баъзи ходимлари ва раҳбарлари ана шу метод билан иш кўрадилар. Улар физкультура ташкилотларини бирон байрам ёки мусобақа бўлиб қолгандагина эсга оладилар. Бошқа вақтларда эса мутлақо унутиб юборадилар. Ваҳоланки физкультура ташкилотлари билан мунтазам иш олиб бориш, уларни мустаҳкамлаш билан доимий равишда шуғулланиш керак.

Вазифа шундан иборатки, ҳарбир колхоз, совхоз, МТС, фабрика-завод, ўқув юрти ва муассасада физкультура коллективи бўлишига эришайлик. ГТО значкистларини, республика, Иттифоқ рекордчиларини ва чемпионларини кўплаб етиштирайлик. Спорт базаларимиз ҳар куни ёшлар билан тўлиб турсин.

Физкультура комсомолнинг жонажон ишидир. Ёшларни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш, миллионларча йигит ва қизларни физкультура ҳаракатига жалб этиш ва уларнинг спорт маҳоратларини ошириш, спортчиларни сиёсий-ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг коммунистик онглилигини ошириш — комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Совет спортчилари социалистик Ватанимизнинг оташин ватанпарвари, юксак ахлоқли, мард, эпчил ва баҳодир кишилари бўлишлари керак.

Оммавий физкультура ҳаракатини кенг ривожлантириш, спортчиларимизнинг маҳоратларини тинмай ошириш — муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Физкультура ҳаракатини ривожлантириш, спорт ташкилотларига ёрдам бериш ва раҳбарлик қилиш — маҳаллий партия, совет ва комсомол ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Бу йил Бутун Иттифоқ физкультурачилар куни бутун дунёда тинчлик тарафдорларининг қудратли ҳаракати кундан-кун кучайиб бораётган бир вазиятда байрам қилинмоқда. Совет халқи янги уруш оловини ёқишга интилучи босқинчиларнинг барча кирдикорларига қарши қаттиқ туриб курашмоқда. Совет спортчилари тинчлик тарафдорларининг биринчи сафларида бориб, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан тинчлик ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бугун Ватанимизнинг қувноқ, бахтли йигит ва қизлари спорт маҳоратларини намойиш қилар эканлар, улар бахтли, эркин, хушчақчақ ёшлик учун большевиклар партиясига, совет ҳукумати ва жонажонимиз улуғ Сталинга ўзларининг садоқатларини, миннатдорчиликларини яна бир марта изҳор этадилар. Мустаҳкам тинчлик учун, Ватанимизнинг кучқувватини ошириш учун курашга тайёр эканликларини билдирадилар.

Оммавий физкультура ҳаракатини янада ривожлантирайлик, спорт соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришайлик!

Семинар раҳбарларининг республика курсида машғулотлар тугади

Шу йил 5 августда сиёсий мактаб ва ВКП(б) тарихини ўрганиш тўғаракларини пропагандистлари семинарлари раҳбарларининг бир ойлик республика курсида машғулотлар тугади. Бу курсларда 200 дан кўпроқ киши ўқиди. Улар большевиклар партиясининг назарий асослари, сиёсий мактаб ва тўгараклар машғулотлар ўтказиш методикаси юзасидан бирқанча лекциялар тингладилар.

Лекция ўқишга Тошкент шаҳридаги олий мактабларнинг профессорлари ва ўқитувчилари жалб этилди.

Охирги машғулотда Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ўртоқ Холиқов республикадаги партия маорифи шоҳобчаларида ўтган ўқув йилининг якунлари ва янги ўқув йилида пропагандистларнинг доимий семинарлари олдидаги вазифалар тўғрисида нутқ сўзлади.

Семинар қатнашчиларининг бу машғулотида Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ А. Ниёзов ҳам нутқ сўзлаб, республикада хўжалик, сиёсий ишлар соҳасидаги вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида тўхталиб ўтди. Ўртоқ Ниёзов меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини янада яхшилаш, партиявий-сиёсий ва хўжалик ишларини моҳирлик билан бирга қўшиб олиб бориш учун, пахтадан юқори ҳосил олиш учун, Ўзбекистон пахтакорлари томонидан Ўртоқ Сталин олдида олинган мажбуриятларни бажариш учун курашни кучайтириш соҳасидаги бирқанча амалий вазифаларни кўрсатиб ўтди.

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Украина ССР Одесса областининг колхоз ва совхозлари Сизнинг олдингизда зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашиб, ғалла тайёрлаш давлат планини (жўҳоридан ташқари) муддатидан илгари бажарганликларини Сизга маълум қиламиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш плани 114.2 процент, шу жумладан буғдой тайёрлаш плани 120,7 процент бажарилди.

Бу йил давлат тайёрлаш пунктларига энг қимматли озиқ-овқат маҳсулоти бўлган юқори сифатли буғдой 1949 йилдагига нисбатан 11 миллион 747 минг пуд кўп топширилди.

МТСларнинг иши учун счётлар бўйича давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Область колхоз ва совхозларининг ғалла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажаришларига қаҳрамон Одесса шаҳрининг партия ташкилотлари ва меҳнаткашлари катта ёрдам бердилар.

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Сизга ваъда бериб айтамизки, биз жўҳори ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планини ҳам муддатидан илгари бажариш, кузги экинлар экишга муваффақиятли тайёрланиш ва уни ўтказиш, ерларни ёзда ва кузда шудгор қилиш, 1951 йилда янада юқори ҳосил олиш учун бутун шароитни яратиб бериш юзасидан ҳамма тадбирларни кўрамиз.

Украина К(б)П Одесса область комитетининг секретари А. ЕПИШЕВ.
Меҳнаткашлар депутатлари Одесса область Совети ижроия комитетининг раиси К. КАРАВАЕВ.
Тайёрлаш министрлигининг Одесса областидаги вакили Л. НИКОЛАЕНКО.
Одесса область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Г. КОЗЛОВ.

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Молдавия ССРнинг колхозлари, совхозлари ва деҳқон хўжаликлари 1950 йилги ҳосилдан ғалла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари 102,9 процент (жўҳоридан ташқари) бажарганликларини Сизга маълум қиламиз.

Озиқ-овқат маҳсулоти бўлган буғдой ва жавдари буғдой тайёрлаш плани 109,9 процент бажарилди. Ўтган йилдагига қарағанда 5 миллион 787 минг пуд кўп буғдой топширилди.

МТСларнинг қилган ишлари учун давлатга ғалла топшириш давом этмоқда.

Молдавия К(б)П Марказий Комитетининг секретари Л. БРЕЖНЕВ.
Молдавия ССР Министрлар Советининг раиси Г. РУДЬ.
Тайёрлаш министрлигининг Молдавия ССРдаги вакили А. СИЧ.
Молдавия ССР Қишлоқ хўжалик министри Ф. КОВАЛЬ.

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

ўртоқ Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Қадрдон ўртоқ Сталин, ўз Ватанига қизғин муҳаббат ҳислари билан тўлиб-тошган ва бутун дунёда буюк тинчлик ишини ҳимоя қилишга интилаётган Кубань колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари ғалла тайёрлаш давлат планини (жўҳори ва шолидан ташқари) муддатидан илгари 2 августда бажарганликларини ва ғалла ўрим-йиғимини тамомлаганликларини Сизга маълум қиламиз.

Колхоз, совхозлар кузда ва кўкламда экиш учун ўзларини юқори сифатли уруғлар билан тўла таъминладилар.

Краснодар ўлкасининг қишлоқ хўжалик ходимлари колхоз ва совхоз жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш уч йиллик планини бажариш учун курашиб, чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш юзасидан катта ишлар олиб бормоқдалар, пичан ўрмоқдалар ва силос бостирмоқдалар, сомон ва похални йиғиб, ғарам қилмоқдалар. Колхоз ва совхозлар жамоат чорвачилиги учун ем ва хашак жамғармоқдалар.

Бу йил колхозчилар меҳнат кунларига ўтган йиллардагига қараганда анча кўп ғалла оладилар.

Ҳозирги вақтда Краснодар ўлкасининг қишлоқ хўжалик ходимлари кунгабоқар, жўҳори, шоли, пахта ва бошқа чопиқ қилинадиган экинларни ҳамда техника экинларини йиғиштириб олишга, кузги экинлар экишни ва кузда дарахт ўтказишни юқори сифатли ўтказишга қизғин тайёрланмоқдалар, шунингдек 1951 йилда баҳорги экинлар экиладиган ҳамма ерни шудгорлашга киришдилар.

Қимматли Иосиф Виссарионович!

Кубань казаклари улуғ Ленин—Сталин партиясининг раҳбарлиги остида Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун, мамлакатимизда тезроқ коммунизм қуриш учун курашишга бундан буён ҳам тайёрдирлар.

ВКП(б) Краснодар ўлка комитетининг секретари Н. ИГНАТОВ.
Меҳнаткашлар депутатлари Краснодар ўлка Совети ижроия комитетининг раиси П. ПАНТИКОВ.
Тайёрлаш министрлигининг Краснодар ўлкасидаги вакили П. ПЕЧЕРИЦА.
Краснодар ўлка қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи И. МОИСЕЕНКОВ.

Деҳқонобод райони ғалла тайёрлаш планини бажарди

Қашқадарё область, Деҳқонобод районининг колхозлари социалистик мусобақани кучайтириб, 3 августда муддатидан олдин давлатга ғалла топширишни мажбуриятларини 105 процент бажардилар. Район колхозлари давлат мажбуриятига ғалла топширишни ўтган йилдагидан 36 кун илгари тугалладилар.

Район партия, совет ташкилотлари ва барча колхозлар ғалла ўрим-йиғими ва янчишни қисқа муддатда тугаллаб, келгуси йил учун уруғлик жамғариш ва ем-хашак тайёрлаш планларини ҳам тўла адо этиш учун курашмоқдалар.

Чиноз районидаги 1-нчи МТС коллективининг республикадаги барча пахтакор колхозларнинг аъзоларига, пахтакор МТСлар ва совхозларнинг тракторчиларига, ишчилари ва мутахассисларига

Мурожаати

Ўртоқлар!

Чиноз районининг пахта далаларида мўл ҳосил пишиб етилмоқда. Чиноз районидаги 1-нчи МТС хизмат қилаётган колхозлар ҳар гектар ердан камида 31 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашда механизация ҳал қилучи аҳамиятга эга. Бизнинг МТСимизда ер ҳайдаш 100 процент, чигит экиш 100 процент, ғўза қатор ораларини ишлаш 90 процент машиналаштирилди. Пахта териш даври яқинлашмоқда. Пахтани йиғиб-териб олиш кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. пахтани етиштириш учун сарф қилинадиган бутун меҳнатнинг 40 процентдан кўпроғи уни йиғиб-териб олишга сарф этилади.

Совет давлати пахтачиликни машиналаштириш ҳақида ғоят катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. МТСлар, колхозлар, совхозлар янги илғор техника билан қуроллантирилмоқда, бу техника пахтани етиштириш ва йиғиб-териб олиш юзасидан барча ишларни тўла машиналаштириш имкониятини беради. Совет конструкторлари пахта териш машинасини ижод қилдилар, бу машина ялпи қўлланилган биринчи йилдаёқ яхши натижалар берди. Пахтани машина билан териш йиғим-терим даврини қисқартиради, далаларни шудгор қилиш учун тезроқ бўшатишга имкон беради.

Бизнинг МТСимизда 1949 йилда пахта теручи СХМ — 48 машинасидан 13 таси ишлади. МТС коллективи янги механизмлардан фойдаланиш ишига эътибор билан қаради. Механик — ҳайдовчилар, бригада ва участка механиклари машинанинг иш унумини ошириш, пахта териш сифатини яхшилаш соҳасида зўр бериб ишладилар.

Меҳнатимиз муваффақият билан якунланди. Биз ҳарбир машинанинг энг юқори иш унумига эришдик. Ҳарбир машина нормадаги 1,2 гектар ўрнига ҳар кун ўрта ҳисоб билан 2 гектар ердаги пахтани териб берди. Бир машина мавсум давомида 30 гектар ердаги пахтани териб бериши керак эди, амалда эса 45 гектар ердаги пахтани териб берди. Механик — ҳайдовчилар, агротехника ходимлари янги техникани эгаллаб, ишлабчиқаришнинг ҳақиқий новаторлари эканликларини кўрсатдилар. Улар машина кечаси ҳам муваффақият билан ишлай олишини исбот қилдилар ҳамда пахтани кечаси теришда ташаббус кўрсатдилар. Бунинг учун механик-ҳайдовчилар шахсан ташаббус кўрсатиб, машина, трактор ва бункерга қўшимча чироқлар ўрнатдилар. Бундан ташқари, механизаторларимиз бункерни машина ишлаб турган вақтда пахтадан бўшатиш усулини қўлладилар, бу ҳам катта фойда беради. Биз пахта йиғим-терими бошлангунча яна бир марта тадбирларни амалга оширдик, бу эса пахта териш машиналарининг муваффақиятли ишлашига йўл очиб берди. Пахтаси машина билан териладиган далалар кўкламда инструкцияга мувофиқ танланди. Чигит тўғри қаторларга экилди. Биз қатор ораларининг бир текис бўлишига эътибор қилдик ҳамда пахтаси машина билан териладиган ердаги ғўзаларни барча агротехника қоидалари асосида парвариш қилинишига эришдик.

Натижада МТСимиз машина билан пахта териш планини 114 процент бажарди. Энг яхши механик — ҳайдовчилар рекорд кўрсатгичларга эришдилар. Чунончи, механик — ҳайдовчилардан Р. Исоқов, С. Эшназаров, В. Нефедов ва бошқалар мавсумда 50 гектардан ернинг пахтасини териб, 350 — 450 центнердан пахта йиғдилар.

Бизнинг районимиздаги колхозларда пахта териш машиналари ўзининг афзаллигини кўрсатди. Колхозчилар пахтани машина билан теришнинг афзаллигига ишонч ҳосил қилиб, пахтани машина билан териш планини кўпайтиришни талаб қилмоқдалар.

1950 йилда районимизнинг далаларида 39 та СХМ — 48 машинаси ва 5 та СХНД маркали икки қаторда ишлайдиган ётиқ шпиндельли машина ишлайди. Бунча машинанинг ишлаши 50 процент даладаги пахтани машиналар билан териб олиш имкониятини беради.

Кўриниб турибдики, ишимизнинг ҳажми катта. Лекин ўтган йилда пахтани машина билан теришда ортдирилган тажриба, шунингдек МТС коллективи ва колхозчиларнинг планни бажаришни таъминлашга интилишлари бу йил пахтани машина билан теришда биринчиликни қўлга киритишимизнинг гаровидир.

Биз бунинг учун нима ишлар қилмоқдамиз?

МАШИНАЛАРНИ ВА УЧАСТКАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН

Райондаги 18 та колхозда пахтани машина билан териш учун пландаги 2.450 гектар ўрнига, 2.510 гектар ер ажратилди. Ҳамма участкаларда текис қарталар бор, бу участкалар яхши текисланган, машиналар кириши учун йўллар очилган. Энг кичкина қарта 12 гектардир. Баъзи қарталар 40 гектаргача боради. Ҳамма далада ғўзани парвариш қилиш юзасидан барча тадбирлар амалга оширилди, бу ишда илғор агротехника талабларига тўла риоя қилинди. Биз яганага алоҳида эътибор қилдик, ҳарбир уяда битта-иккитадан ғўза қолдирилди.

Биз ғўзаларнинг ётиб қолишига йўл қўймаслик учун, пахтаси машина билан териладиган далаларда ғўзаларни озиқлантиришни 10 июльгача тамомладик. Ҳозирги вақтда суғоришни эҳтиёт билан ўтказмоқдамиз, сув талаб бўлган ғўзаларнигина суғормоқдамиз. Ғўзаларни чеканка қилишни 20 июльда бошлаб 1 августда тамомладик.

Коллективимиз 1949 йилда келтирилган машиналарнинг 50 процентини 1 августгача ремонт қилиб бўлди. Қолган машиналар ремонти 10 августгача тамомланади. Машиналарни шу машиналарда ишлайдиган механик — ҳайдовчиларнинг ўзлари ремонт қилмоқдалар. Бу нарса ремонт ишларидаги эгасизликни тугатади ҳамда ремонтнинг юқори сифатли ўтказилишини таъминлайди. МТС олаётган ҳарбир янги машина дарҳол синаб кўрилади.

МТС да мавжуд бўлган 19 та кўрак чувиш машинасидан 8 таси тўла ремонт қилинди, қолганлари ҳам ремонт қилинмоқда. Коллектив ремонтни муддатидан 5 кун илгари яъни 10 сентябрьгача тамомлаш мажбуриятини олди.

ҒЎЗА БАРГЛАРИНИ СУН'ИЙ ТЎКИШ ЮЗАСИДАН

Баргларни сун'ий тўкиш юқори ҳосил учун курашда катта аҳамиятга эга. Бу агротехника усули ғўзаларнинг тез пишиб етилишига ёрдам беради, пахтанинг тоза терилишини таъминлайди. Машиналарнинг иш шароитини яхшилайди. Шунинг учун биз бу йил пахтаси машина билан териладиган барча далаларда ғўзаларнинг баргини тўкамиз. Ғўзаларнинг барглари ОДН пуркагич-чанглагич машинаси билан ва авиациянинг ёрдами билан тўкилади. Ғўзаларни чанглаш 10 сентябрьга, ҳарбир туп ғўзада 2—3 тадан кўсаги очилган далаларда биринчи навбатда бошланади. 20 сентябрьга қадар бутун майдондаги ғўзаларни чанглаб бўлишни мўлжалламоқдамиз. Колхозлар сельхозснабнинг омборларидан цианамид-кальций ташиб келтирабошладилар. Ҳамма колхозда машиналарнинг иш унумини ошириш мақсадида цианамид-кальцийни бевосита пахта далаларида сақлаш учун махсус жойлар тайёрланмоқда. Колхозларда аэропланлар қўнадиган майдонлар ҳам ҳозирланади.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН

Барча пахта териш машиналарининг нормал ишлашини таъминлаш учун биз 44 та механик—ҳайдовчи тайёрлашимиз керак. Ҳозиргача 31 механик—ҳайдовчи тайёрланди, булар Тошкентдаги механизация мактабида ўқиб чиқдилар. Қолган механизатор кадрлар ҳам август ойи давомида тайёрланади, улар пахтани машина билан терадилар.

Йиғим-теримнинг муваффақиятини кадрлар ҳал қилади. Битта машинанинг ўзи унда ишлаган одамнинг тайёргарлигига, ишни билишига қараб ҳархил ишлаши мумкин. Шунинг учун ҳам биз механик—ҳайдовчилар курсига энг яхши универсалчиларимизни, чигит экиш ва ғўза қатор ораларини ишлашда намуна кўрсатган кишиларни юбордик. Чунончи, ҳозир Тошкентда ҳайдовчи Ширинбой Қалимбетов ўқияпти, у ўтган йилда 1500 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлаб берган. Бу йил 1059 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлаб берган универсалчи Султон Ҳолматов ҳам механик — ҳайдовчилар курсида ўқимоқда.

МТСимиздаги раҳбар ходимлардан 17 киши Тошкентдаги Қишлоқ хўжалик институти ҳузурида ташкил этилган пахтани машина билан териш юзасидан семинарга қатнашдилар. Уларнинг орасида трактор бригадаларининг бошлиқлари, участка механиклари, агрономлар, старший агроном ва бошқалар бор эди.

ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН

Биз МТСимиз хизмат қилаётган ҳарбир колхозга 2 тадан 5 тагача пахта териш машинаси биркитиб қўйдик, машиналарнинг қарталарда навбатма-навбат ишлаши юзасидан график тузадик. Ҳарбир қартада бир вақтнинг ўзида икки-учта машинанинг ишлаши одат бўлиб қолган. Ўтган йилнинг тажрибаси машиналардан бундай фойдаланиш уларнинг техник қарашини анча енгиллаштиришни кўрсатди, шунингдек бу нарса транспортдан ва ишчи кучлардан унумлироқ фойдаланишга имкон беради, ҳарбир пахта териш машинасининг иш унумини оширади.

Колхозларда ҳарбир пахта териш машинаси учун 5 — 6 кишидан иборат бригадалар тузилади, бу бригадалар машиналар териб ўтганидан кейин далада қоладиган пахтани тўплаб оладилар. Айни вақтда хирмонлар, тарозилар, колхоз транспорти тайёрланмоқда.

МТС пахтаси машина билан териладиган ҳарбир колхозга мутахассислар, техник ходимлар, механизаторлар ва агрономларни биркитиб қўйди. Колхозлар эса пахтаси машина билан териладиган участкаларга колхоз активидан жавобгар кишиларни тайинлади. Бу ходимлар мўл ҳосилни тез ва сифатли йиғиб-териб олиш учун участкаларни тўғри тайёрлаш устидан назорат қилмоқдалар.

Пахтани машина билан теришга намунали тайёрланиш ва уни намунали ўтказиш учун мусобақани кенг қизитиб юбордик. Мусобақа МТС коллективи ва зиммасига олган қуйидаги мажбуриятларни бажариш шиори остида ўтмоқда:

Ҳарбир СХМ — 48 машинаси мавсум давомида камида 50 гектар ернинг, ҳарбир СХНД машинаси эса камида 100 гектар ернинг пахтасини сифатли териб беради. Ҳарбир колхозда пахтанинг машина билан териш планини тўла ва ошириб бажарилишига эришамиз;

машинага техника жиҳатидан қараш графигини қатъий равишда бажарамиз, машиналарни техника жиҳатидан яхши аҳволда сақлаймиз, ташкилий ва техник сабабларга кўра машиналарнинг бекор туришига йўл қўймаймиз;

ҳарбир пахта териш машинаси кўсакларни очилган участкалардаги пахтанинг камида 90 процентини териб беради;

кўсак чувийдиган ҳарбир машинанинг ҳар сменада камида 5 тонна пахтани тозалаб беришига эришамиз. Кўсак чувийдиган машинада пахта тозаланғандан кейин қоладиган ифлос пахтани бир процентгача камайтирамиз;

пахтани машина билан терганда ва уни тозалаганда камида 5 процент ёнилғини ва машина мойини тежаймиз;

йиғим-терим вақтида МТС билан трактор бригадалари ўртасида диспетчерлик алоқасини ўрнатамиз;

ҳарбир машина ва ҳарбир механик—ҳайдовчининг ишини оператив равишда тўғри ҳисобга олиб турамиз.

Биз республиканинг пахтани машина билан терадиган барча МТС ва колхозларини бу муҳим ишга намунали тайёргарлик кўриш ва уни намунали ўтказиш юзасидан социалистик мусобақага қўшилишга чақирамиз.

Чиноз районидаги 1-нчи МТС нинг коллективи Андижон область, Пахтаобод районидаги МТС ни пахтани машина билан теришни намунали ўтказишга социалистик мусобақага чақиради.

МТС коллективининг топширувига мувофиқ:

Чиноз районидаги 1-нчи МТС нинг директори Н. Г. МЕЛИХОВ.
Старший агроном Д. А. ПОНОМАРЕНКО.
Партия ташкилотининг секретари В. Г. МАЛИШЕВ.
Ишчилар комитетининг раиси П. Я. СТИКИНА.
Пахта териш машиналарининг старший механиги Р. САГИТОВ.
Участка механиги Ю. МИРАҲМЕДОВ.
Трактор бригадасининг бошлиғи К. ХУДОЙҚУЛОВ.
Механик—ҳайдовчилар: В. НЕФЕДОВ, И. РАИИМҚУЛОВ, Х. УММАТОВ.
Юсупов номли колхознинг раиси Н. ХОЛМАТОВ.
«Қизил октябрь» колхозининг раиси Д. РУСТАМОВ.
«Коминтерн» колхозининг раиси И. СОТИБОЛДИЕВ.

Ёшлик, мардлик ва эҳтиёткорлик байрами



Республикамизнинг энг яхши спортчиларидан бир группаси. Суратда (чапдан ўнгга): СССР спорт мастери, республика рекордчиси **Фарида Ҳасанова**, баландликдан сакрашда республика чемпиони **Юрий Финке**, энг яхши гимнастикачи, Прага шаҳрида бўлган халқаро ёшлар фестивалининг қатнашчиси **Абдукарим Жўраев**, спортчининг бирнеча тури юзасидан республика рекордчиси **Юрий Шеломицкий**, гимнастика бўйича республика чемпиони **Г. В. Индлер**, республика рекордчиси, энг яхши штангачи **И. Эргашев**, Ўрта Осиё республикалари абсолют чемпиони, гимнастикачи **А. Г. Марков**, республика рекордчиси энг яхши югурувчи **Т. Исмоилов**.

И. Глауберзон фотоси.

«Энг муҳими, кундалик ва зарур гимнастикани унутма, ўзингни бирнеча ўн марталаб ҳархил ҳаракатлар қилишга (сра ҳам эринмасдан!) мажбур эт! Бу жуда ҳам муҳимдир».

ЛЕНИН.

Биринчилик учун курашамиз

Тошкент областининг физкультурачилари Ўзбекистон спартакиадасига янги муваффақиятлар билан келдилар. Район ва шаҳарларда спартакиада олдидан ўтказилган мусобақаларда 13 мингдан ортиқ киши қатнашди. Улар ўзларининг маҳоратларини, куч ва қувватларини намойиш қилдилар. Бу мусобақалар ёшларимиз орасидан кўплаб талантли спортчилар етишиб чиқаётганлигини яна бир марта кўрсатди.

Район ва шаҳар физкультура-спорт ташкилотлари спартакиадага тайёргарлик даврида кўплаб ГТО значкистлари ва биринчи разрядли спортчилар тайёрлашга катта эътибор бердилар. Уз ишларини яхши ташкил этган Қорасув район физкультура ва спорт ишлари комитети (раиси ўртоқ Умурзоқов) ГТО значкистлари тайёрлаш йиллик планини 148,3 процент, Юқоричирчиқ райони (раиси ўртоқ Исмоилов) 100,1 процент ва Янгийўл райони (раиси ўртоқ Шамсиев) 94,1 процент бажардилар. Бу районларда колхозчи ёшлар ўртасида физкультура ва спорт ишлари анча яхши уюштирилган.

Область физкультурачиларининг спартакиадаси катта муваффақият билан ўтди. Унда 4 шаҳар ва 16 райондан 600 га яқин физкультурачи қатнашди. Беш кун давом этган мусобақа якунида Чирчиқ шаҳрининг спортчилари биринчи ўринни, Ўртачирчиқ район спортчилари иккинчи ўринни ва Бекобод шаҳрининг спортчилари учинчи ўринни олдилар. Бу спартакиада ёшларимиз орасидан энг яхши спортчиларни танлаб олиш имкониятини берди. Пискент районли штангачи Тошхўжаев, Қорасув районли енгил атлетикачи Сафаров, Чирчиқ шаҳарли енгил атлетикачи Ткачих, Оҳангарон районли енгил атлетикачи Дьяков, Қорасув районли сузувчи Ким Александра область биринчиликларини олдилар. Бугун ана шу физкультурачиларимиз Ўзбекистоз спартакиадасида қатнашадилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, областнинг ҳамма районларида ҳам физкультура ишлари яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Баъзи район физкультура ва спорт ишлари комитетларининг ҳамда маҳаллий партия, совет ва комсомол ташкилотларининг бу ишга етарли эътибор бермасликлари натижасида айрим колхозларда физкультура ҳаракати кенг ривожлантирилмаган. Оққўрғон ва Калинин районларида бундай аҳволни кўриш мумкин. Бу районларда спорт ўйинлари ва мусобақалари мунтазам равишда ўтказилмайди. Бугун бошланадиган Ўзбекистон спартакиадаси ишимиздаги камчиликларни йўқотишда ва спорт соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришишимизда катта хизмат қилиши керак.

Тошкент областининг физкультурачилари республика спартакиадасида биринчи ўринни олиш учун қатиқ туриб курашадилар. Бунинг учун бизда барча имконият бор.

А. ЭРМУҲАММЕДОВ.
Тошкент область физкультура ва спорт ишлари комитетининг раиси.



Суратда: республика рекордчиси Ашот Осипов ядро иргитмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Иттифоқимизнинг талантли спортчиси

Мамлакатимизнинг йигит ва қизлари дун'ёдаги энг бахтли ёшлардир. Уларга илм олиш, ижодий юксалиш ва Ватан бахт-саодати йўлида самарали меҳнат қилиш учун ҳамма шароит яратиб берилган.

Ёшларимиз гўзал ҳаётлари билан фахрланадилар. Улар фан соҳасида эришаётган ютуқлари, ижоддаги муваффақиятлари учун жонажон Совет ҳукуматимизга, инсониятнинг улуғ доҳиси ўртоқ Сталинга чексиз миннатдорчилик билдирадилар.

Галина Шамрай мана шундай гўзал ҳаётга ва чексиз ижодий имкониятларга эга бўлган ёшлардандир.

Галина Шамрай — ёш спортчилардандир. У энди 18 ёшга қадам қўйган. Лекин унинг спорт соҳасидаги маҳорати ҳозирданоқ Иттифоқимизга маълум.

... Украина ССРнинг пойтахти Киев шаҳри. Бу ерга Иттифоқимизнинг ҳамма томонларидан энг яхши спортчилар тўпланган. Улар бирин-кетин турли ҳаракатлар қилиб бўлгач, навбат Галинага келди. Унинг биринчи ҳаракатиёқ тамошабинларнинг диққатига сазовор бўлди. Ёш талантнинг турли хил ўйинлари унинг ажойиб маҳоратидан, келгусида отоқли спортчи бўлишидан дарак берар эди. Галина ҳарқандай оғир ҳаракатларни усталик билан жуда чиройли ижро этди. Тамошабинлар ёш талантни қизғин олқишладилар. Галина мастерларга белгиланган нормани бажарди. Бунинг учун унга СССР спорт мастери деган унвон берилди.

Республика спортчиларининг фахри бўлган Галина Шамрай ўз маҳоратини ошириш ва яна ҳам катта муваффақиятга эришиш учун интилмоқда.

Июль ойининг охирида Қозон шаҳрида спортчи гимнастикачиларнинг Бутун Иттифоқ мусобақаси ўтказилди. Бу мусобақада Галина ҳам қатнашди. Моҳир спортчи Галина бу гал ҳам катта муваффақият қозонди. У, мусобақада ғолиб чиқиб, СССР чемпиони номини олди.

Исте'додли спортчи, СССР спорт мастери ва Совет Иттифоқи чемпиони Галина Шамрай бизнинг фахримиз.

И. АҲМЕДОВ.

Пойтахт стадионларида

Бугун Бутун Иттифоқ физкультурачилар куни ва Ўзбекистон спортчиларининг VI спартакиадаси бошланиши муносабати билан пойтахт стадионларида ва спорт базаларида катта спорт байрами бўлади.

✦ «Спартак» стадионида спартакиада тантанали вазиятда бошланади. Стадионнинг футбол майдонига 4 мингдан ортиқ физкультурачи тўпланади. Улар республикамизнинг барча областьларидан, Қорақалпоғистон АССРдан келган энг яхши спортчилардирлар.

Физкультурачилар парадидан сўнг минг спортчининг қатнашиши билан физкультура гимнастикаси, Тошкент шаҳри ва Тошкент области командалари ўртасида футбол ўйини бўлади.

Колхозчи спортчилар қатори ўсмоқда

Физкультура ва спорт — Хоразм меҳнаткашлари ва ёшларининг кундалик турмушига кундан-кун кўпроқ сингиб бормоқда. Бундан уч-тўрт йил илгари Хоразм областида физкультурачилар ва спорт жамиятлари жуда кам эди. Ҳозир эса ҳарбир районда, ҳарбир колхозда, саноат корхонаси ва муассасаларда ўнлаб физкультурачиларни учратасиз. Эндиликда Хоразм физкультурачилари республикамизда ҳам танилдилар. Улар деярлик ҳамма мусобақаларда қатнашмоқдалар. Полвонларимиз, енгил атлетикачиларимиз республика мусобақаларида ғолиб чиқдилар.

Хоразм областининг деярлик ҳамма колхозларида физкультура коллективлари ишламоқда. Спартакиадага тайёргарлик колхоз физкультура коллективлари ишларини янада ривожлантиришга катта ёрдам берди. Область колхозларида янгидан 25 та физкультура коллективи, район ва шаҳарларда ҳам бирнеча коллектив тузилди. 190 колхозда оммавий спорт мусобақалари ўтказилди. Бу мусобақаларда 2.452 колхозчи қатнашди. Кўпчилик колхозларда шахмат-шашка, енгил атлетика, футбол, оғир атлетика секциялари ишлайди. Бу секцияларга юзларча физкультурачи аъзо бўлган. Спартакиадага тайёргарлик даврида колхоз, саноат корхоналари ва муассасаларда физкультурачиларнинг ташаббуси билан 51 та спорт базаси қурилди.

Республика физкультурачиларининг VI спартакиадаси олдидан область физкультурачиларининг спартакиадаси ўтказилди. Бу спартакиада колхозчи физкультурачи ва спортчиларнинг янгидан-янги муваффақиятларга эришаётганлигини, колхозларда физкультура ҳаракати борган сари оммавий тус олаётганлигини, шу билан бирга колхозчилар орасидан талантли спортчилар етишиб чиқаётганлигини яна ҳам ёркин кўрсатди. Область спартакиадасида 355 киши қатнашди. Буларнинг ярмидан кўпи колхозлардан келган физкультурачилар эдилар. Икки ва учинчи разряддаги физкультурачилар нормасини бажарган спортчилар орасида колхозчи йигит ва қизларни кўплаб кўриш мумкин эди.

Колхозларда физкультура ва спорт ишларини янада ривожлантириш учун барча чораларни кўрмоқдамиз. Мавжуд қуйи коллективлардан ташқари яна янги коллективлар ташкил этилмоқда. Булар атрофига кўплаб колхозчи ёшлар уюшмоқда.

Хоразм физкультурачилари Ўзбекистон спартакиадасида спорт соҳасида эришган муваффақиятларини намойиш қилиш билан бирга, яхши натижаларга эришиш учун ҳаракат қиладилар.

В. МИРОНОВ.
Хоразм область физкультура ва спорт ишлари комитетининг раиси.

Республикамизнинг кучли штангачиси

Ёш спортчи Иброҳимжон Эргашев республикамизнинг энг кучли штангачиларидан бири ҳисобланади. Эргашев республикамизда ўтказилган сўнгги спорт мусобақаларида штанга кўтаришда республикада иккита янги рекорд қўйди. Спортга бўлган зўр иштиёқи ва тинмай машқ қилиши уни янги муваффақиятларга олиб келмоқда.

Бугдой ранг бу йигитни Тошкент область, Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг аъзолари яхши танийдилар. Эргашев шу колхозда ишлаб юриб, спорт билан шуғулланди. Далага кетатуриб, ёки ишдан қайтаётиб унинг оғир тошларни кўтариб машқ қилаётганини кўрган колхозчилар қувониб:

— Иброҳимжон кучли полвон бўлади — дер эдилар.

Эргашевнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётганига ниҳоят икки-уч йил бўлди. Шу 3 йил мобайнида штанга кўтаришда республика рекордчиси деган шарафли унвонни олишга муяссар бўлди. У ҳозир Тошкентдаги Офицерлар уйи спорт жамиятининг аъзосидир. Эргашев СССР спорт мастери Мкртумяндан таълим олиб, машқ қилмоқда. У кундан-кун оғир тошлар кўтармоқда.

Совет ёшлари нақадар бахтли эканликларини Иброҳимжон Эргашев мисолида кўриш мумкин. Иброҳимжон машҳур спортчи бўлишни орзу қиларди. У ҳарқандай орзу юзага чиқишини, бизнинг мамлакатимизда одамларнинг ижодий юксалиши учун барча имконият мавжуд эканлигини яхши биларди. Иброҳимжон орзу қилиб, орзусига эришди. У орзуга эришиш йўлида ҳалол меҳнат қилди. Чунки у билардики, фақат қуруқ орзунинг ўзи кифоя қилмайди, ҳамма нарсани меҳнат, илм, ғайрат ҳал қилади.

Спортни чин қалбидан севган Эргашев республикада ўтказилган мусобақаларда биринчиликни олди ва республика бўйича иккита янги рекорд қўйди. Эргашевнинг ғайрати ва тинмай машқ қилиши унинг энг кучли штангачи бўлиб етишидан дарак беради. У ҳозир Бутун Иттифоқ мусобақаларида қатнашмоқда. Биз бу мусобақада ҳам Эргашевнинг ғалаба қозонишига ишонамиз.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

Пойтахт стадионларида

✦ «Динамо» стадионида СССР кубоги учун футбол мусобақаси ўтказилади. Майдонда Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРнинг ёшлар командалари учрашадилар.

✦ Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида классик курашлар бўлади. Бу курашда республикамизнинг энг яхши полвонлари қатнашадилар. Улар Ўзбекистон биринчилиги учун мусобақа қиладилар.

✦ Сталин номидаги маданият ва истироҳат боғининг сув станциясида сузиш ва сувга сакраш мусобақалари ўтказилади. Бу мусобақаларда область спартакиадаларида ғолиб чиққан спортчилар ва пойтахтимизнинг энг яхши сузучилари иштирок этадилар.

Пойтахтнинг бошқа спорт базаларида ҳам Бутун Иттифоқ физкультурачилар кунига ва Ўзбекистон спартакиадасининг очилишига бағишланган турли ўйинлар ва мусобақалар бўлади.

«... Совет мамлакатининг қудратини юксак даражага кўтаришга ва уни душманлар томонидан бўладиган қасдлардан кўкрак кериб ҳимоя қилишга қобилиятли, соғлом ва хушчақчақ авлодни тарбиялаб етиштириш керак».

СТАЛИН.

Янги рекордлар учун

Фарғона областининг физкультурачилари партия ва ҳукуматимизнинг физкультурачилар ҳақида қилаётган ғоят катта ғамхўрлигидан руҳланиб, ўзларининг спорт соҳасидаги маҳоратларини оширмоқдалар, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиб етишмоқдалар.

Спартакиадага тайёргарлик даврида область бўйича янгидан 55 та физкультура коллективи тузилди. Бу коллективлар атрофига жуда кўп ёшлар уюшди. Шунингдек район, шаҳарларда янгидан 25 та спорт базаси қурилди. Бу базаларда енгил атлетикачилар, футболчилар, оғир атлетикачилар физкультуранинг турли хиллари билан шуғулланмоқдалар.

Шаҳар ва районларда бўлган спартакиадаларда 13.500 киши қатнашди. Булар орасида саноат корхоналарининг ишчилари, колхоз далаларининг стахановчилари ва совет муассасаларининг ходимлари кўплаб бор эди. Мусобақа даврида физкультура коллективлари ва комитетлари ГТО значкистлари тайёрлашга алоҳида эътибор бердилар. Шунинг натижасида 718 бола БГТО значогига, 273 киши биринчи даража ГТО ва 100 киши иккинчи даража ГТО значогига норма топширди.

Район ва шаҳар спартакиадалари янгидан етишиб чиқаётган ёш спортчиларнинг куч ва маҳоратларига кўрик бўлди. Бу спартакиадаларда ўнларча йигит ва қизлар яхши натижага эришдилар. Область бўйича бирнеча янги рекорд қўйилди. Физкультурачилардан 131 киши икки ва учинчи разрядчи спортчилар нормасини бажарди.

Область спартакиадаси катта байрам тусини олди. Фарғона шаҳридаги «Спартак» стадионига район ва шаҳарлардан келган 600 дан ортиқ физкультурачи тўпланди. Мусобақалар қизғин ўтди. Биринчилик учун дастлабки кунларданоқ кураш бошланди. Ҳар куни янги-янги рекордлар қўйилди. Спартакиада якунида Фарғона шаҳрининг физкультурачилари биринчи ўринни, Қўқон физкультурачилари иккинчи ўринни олди. Область спартакиадаси бизга энг яхши спортчиларни танлаб олиш имкониятини берди. Бугун бошланадиган республика спартакиадасида Фарғона областининг ана шу энг яхши физкультурачилари қатнашадилар.

Физкультура ва спорт совет халқининг кундалик севган ишига айланиб бормоқда. Саноат корхоналари, колхоз, МТС ва муассасаларда кундан-кун янги физкультура коллективлари тузилаётганлиги ва спортчилар қаторининг ўсиб бораётганлиги бунга яққол мисолдир. Биз эришилган муваффақият билан кифояланиб қолмай, яна янги муваффақиятларни қўлга киритиш, янги рекордлар қўйиш ва физкультурани оммавий ҳаракатга айлантириш учун, спортчиларимизнинг маҳоратларини ошириш, талантли физкультурачилар тарбиялаб етиштириш учун курашамиз.

Б. ГРОМОВ.
Фарғона область физкультура ва спорт ишлари комитетининг раиси.



Суратда: энг яхши спортчи **Нина Конюхова** гимнастика қилмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Физкультура ва спорт ишларини янада кучайтирайлик

Бугун мамлакатимизнинг халқлари Бутун Иттифоқ физкультурачилар куниани, совет кишиларининг куч-қувватига кўрик кунини байрам қиладилар.

Мамлакатимизнинг халқлари бу йил Бутун Иттифоқ физкультурачилар кунини халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Тинчлик иродаси совет кишиларини тинчлик ва халқлар осойишталигининг мустаҳкам таянчи бўлган улуғ социалистик Ватанимизни янада яшнатиш ва унинг қудратини ошириш учун фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда.

Ўз байроқларига «Тинчлик» деган олижаноб сўзни ёзган совет физкультурачилари тинчлик учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар.

Бугун совет физкультурачилари меҳнат соҳасида эришган янги ғалабалари тўғрисида, тинчлик учун курашда қўлга киритган муваффақиятлари ҳақида, физкультура ва спорт ишларидаги янги ютуқлари ҳақида большевиклар партиясига, Совет ҳукуматига ва улуғ йўлбошчимиз, устозимиз ўртоқ Сталинга рапорт берадилар.

Мамлакатимизда физкультура ва спорт ишлари шундай муҳим воситалардан биридирки, большевиклар партияси ва совет давлати унинг ёрдами билан совет кишиларини ҳаётбахш совет ватанпарварлиги руҳида, кишиларни самарали меҳнатга ва социалистик ватан ҳимоясига тайёрланиш руҳида тарбиялашдан иборат энг муҳим вазифаларни ҳал этмоқдалар. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда физкультура ва спорт ишлари давлат аҳамиятига эга муҳим иш бўлиб қолди. Мамлакатимизда жисмоний тарбиянинг бирдан-бир илмий системаси вужудга келтирилди. Капиталистик мамлакатларда спорт кишиларни босқинчилик урушларига тайёрлаш воситаси бўлиб хизмат қилаётган бўлса, бизнинг социалистик Ватанимизда спорт халққа хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда физкультура ва спорт ишлари чинакам халқ ишидир. Коммунистлар партияси, совет ҳукумати ва йўлбошчимиз улуғ Сталин физкультура ишларига доим катта эътибор қилиб келмоқдалар.

ВКП(б) Марказий Комитетининг физкультура ва спорт масалалари юзасидан чиқарган қарори совет физкультура ҳаракати тарихида янги давр очди. Бу қарор партия, совет, касаба союз, комсомол ва физкультура ташкилотларининг физкультура ва спортни янада ривожлантиришларида жанговар программа бўлди.

Совет давлати спорт базаларини кўриш, оммавий физкультура ишларини уюштириш, малакали физкультура кадрларни тайёрлашга ҳар йили кўп маблағ сарф қилмоқда. Совет спортчилари физкультура ва спортни ривожлантириш тўғрисидаги сталинча ғамхўрликка жавобан ўз маҳоратларини оширмоқдалар. ВКП(б) Марказий Комитетининг тарихий қарори чиққанидан буён ўтган сўнгги бир йил ичида Ўзбекистон физкультурачиларининг республика миқёсида 188 та янги рекорд қўйганлиги, 10 спорт мастери ва 12 спорт мастерлигига кандидат етишиб чиққанлиги бунга ёркин мисолдир.

Ўзбекистон физкультурачилари Бутун Иттифоқ физкультурачилар кунини республика VI спартакиадасини бошлаш билан нишонлайдилар. Республика спартакиадаси олдидан район, шаҳар ва областьларда спорт мусобақалари ўтказилди. Бунда 100 мингдан ортиқ физкультурачи қатнашди. Бу вақт ичида республика физкультурачиларининг сони анча ошди. Масалан, Андижон областида янгидан 125 физкультура коллективи, шу жумладан областьдаги колхозларда 57 коллектив ташкил этилди. Андижон областидаги спортчилардан икки мингдан ортиқ киши бу вақт ичида 1-нчи даража ГТО значогига норма топширди.

Тошкент областининг Янгийўл, Қорасув, Юқоричирчиқ районлари, Андижон областининг Жалақудуқ, Балиқчи, Марҳамат районлари, Наманган областининг Учқўрғон райони, Самарқанд областининг Пастдарғом, Пойариқ, Каттақўрғон районлари, Хоразм областининг Янгиариқ, Қўшкўпир, Ҳазорасп, Манғит ва бошқа бирқанча районлари ГТО значкистлари тайёрлаш йиллик планини ошиғи билан бажардилар.

Ўзбекистон физкультурачилари орасидан талантли спортчилар етишиб чиқди. Уларга спорт мастери деган юксак ном берилди. Тошкент спорт мактабида ўқиган спорт мастери Галина Шамрай гимнастика юзасидан Совет Иттифоқи чемпиони деган фахрли ном олди.

Кейинги бир ярим йил ичида республика рекордлари жадвали 200 мартадан ортиқ ўзгарди. Область спартакиадаларида Хоразм областининг физкультурачилари область миқёсида 9 та, Андижон областининг физкультурачилари 6 та янги рекорд қўйдилар. Тошкент шаҳрининг физкультурачилари республика миқёсида 19 та рекорд қўйдилар.

Ўзбекистоннинг колхоз қишлоқлари ва совхоз посёлкаларида физкультурачилар ғалабаси тобора кенгаймоқда. Ҳозирги вақтда республиканинг неча юзлаб колхозларида физкультура коллективлари бор. Колхоз ва совхозлардаги ёшларнинг кучи билан неча ўнлаб стадион, спорт майдончалари, сув станциялари ташкил этилди.

Наманган район, Дегрезлик қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда физкультура ва спорт ишлари кенг ривожлантирилган. Колхоз физкультурачилари район спартакиадасида ғолиб чиқдилар. Бу колхознинг энг яхши спортчиларидан тўрт киши Ўзбекистон спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини олди. Ҳазорасп райони, Янгибозор қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз физкультурачилари ҳам район спартакиадасида ғолиб чиқдилар.

Бу ютуқлар билан бир қаторда физкультура ва спорт ишларимизда ҳали жиддий камчиликлар ҳам бор. Бу эса оммавий физкультура ва спорт ҳаракатини ривожлантиришга халақит бермоқда. Кўпгина физкультура коллективларида ва кўнгилли спорт жамиятларида спорт таълими ва сиёсий-тарбия ишлари ҳали юксак даражага кўтарилган эмас. Баъзи жойларда ёшларнинг кенг табақалари физкультура ва спорт машғулотларига жалб этилмаган. Ўзбек қизларини физкультура ҳаракатига жалб этиш мутлақо кўнгилдагидек эмас.

Айрим жойларда физкультура ва спорт ишларига ёмон раҳбарлик қилинмоқда. Масалан, Хоразм областининг Шовот районида, Тошкент областининг Калинин ва Оққўрғон районларида, Самарқанд областининг Қорадарё районида партия, совет ва комсомол ташкилотлари физкультура ишлари билан етарли даражада шуғулланмаётирлар ва ёшларнинг бу соҳадаги ташаббусига етакчилик қилмаётирлар.

Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё областьлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги кўпгина физкультура коллективларида спорт машқлари жуда паст савияда ўтказилади, ГТО значкистлари ва разрядчи спортчилар тайёрлашга етарли эътибор берилмаётир. Тошкент областининг Ҳовос, Пискент, Бўка районларида, Бухоро областининг Вобкент районида, Хоразм областининг Хева районида ярим йил ичида атиги бирнеча значкист тайёрланган, холос.

Республикамизнинг оғир атлетикачилари ўзларининг спорт маҳоратларини оширишда жиддий ишламаётирлар, кўнгилли спорт жамиятларида эса таълим ва тарбия ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Илғор физкультурачиларнинг республика миқёсида қўйган рекордлари Бутун Иттифоқ миқёсидаги кўрсаткичлардан ҳали ҳам кейинда қолмоқда.

Физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришда касаба союз ва комсомол ташкилотлари катта роль ўйнашлари керак. Корхона ва муассасаларда физкультура коллективлари — спортнинг бошланғич мактабидир. Шунинг учун касаба союз ва комсомол ташкилотлари физкультура коллективларининг ишларини ҳартарафлама яхши йўлга қўйишлари, касаба союз ва комсомол аъзолари ўртасида физкультура ва спортни кенг тарғиб қилишлари керак.

ВКП(б) Марказий Комитети физкультурачиларимиз олдига оммавий физкультура ҳаракатини янада ривожлантириш, спортчиларимиз маҳоратини янада ошириш ва шу асосда яқин йиллар ичида спортнинг энг муҳим турлари юзасидан жаҳон биринчилигини олиш вазифасини қўйди. Партиямизнинг бу кўрсатмаси физкультура ва спорт ташкилотлари учун жанговар программадир. Ўзбекистон физкультурачилари бу кўрсатманы бажаришлари, ўз маҳоратларини оширишлари, физкультурачилик ҳаракатини чинакам оммавий ҳаракатга айлантиришлари ва янгидан-янги муваффақиятларга эришишлари керак.

Бугун бошланадиган республика спартакиадаси спорт ишларини янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши керак. Спартакиада қатнашчиларига янги муваффақиятлар тилаймиз.

Р. ИСМОИЛОВ.
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт ишлари комитетининг раиси.

Ғўзани парвариш қилишни сра ҳам бўшаштирмайлик!

☆ ☆

Косонсой районида ғанимат кунлар бекорга ўтказилмоқда

Ишнинг энг қизғин пайтида Будённий номли колхоз далаларида хотин-қизлар онда-сонда ишлаётганини кўрдик. Колхоз раиси ўртоқ Исҳоқов эса ҳовуз бўйидаги салқинда ухлаб ётар экан...

Колхознинг ўртоқ Бозор Абдукаримов бошлиқ бригадасида 58 гектар ердаги ғўзанинг ярми ҳали иккинчи парваришдан чиқарилмаган. Бригадада 33 та ишга яроқли куч бўлгани ҳолда далада фақат 11 та хотин-қиз ишламоқда. Шуниндек, ўртоқ Холмурод Назаров бошлиқ бригаданинг парвариш қилинмай, ўт орасида сарғайиб ётган ғўзаларини кўрган ҳарқандай киши ҳам ачинади.

Колхозда сув ошиб-тошиб ётгани ҳолда, 50 гектар ердаги ғўза ўз вақтида суғорилмаганидан, шона, гуллари тўкилабошлаган. Колхоздаги 3 та «универсал»дан 2 таси бир кун ишласа, икки кун ишламайди. Универсалчи Шокир Пирназаров ғўза қатор ораларини 5—6 сантиметргина чуқурликда культивация қилмоқда. «Универсал»нинг тишлари ўтмасланиб қолган. 99-нчи сонли «универсал» 40 кундан бери ишлатилмай ётади.

Шу қишлоқ советидаги Рокоссовский номли колхозда 60 гектар ердаги ғўза ҳалигача ҳосилга кирмаган. «Янги ўзгариш» колхозида 110 гектар ердаги ғўза шу вақтгача гулламаган. Бу колхозда 3-нчи чопиқ энди бошланган ҳолда, колхоз раиси ўртоқ Қамбаров район ташкилотларига «4-нчи чопиқ тамомланди» деб маълумот берган. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Пўлатов мақтанчоқликда раисдан ҳам ўтади. У, «ғўзаларимизнинг авж олиши ўтган йилгидан 9 марта яхши» дейди.

Шундай қилиб, Косонсой районида айрим бригада бошлиқлари колхоз раҳбарларини, колхоз раҳбарлари эса район раҳбарларини, район раҳбарлари эса область ташкилотлари раҳбарларини ана шундай қуруқ гап-сўзлар билан алдаб келаётирлар. Район партия комитетининг секретари Нурматов, район ижроия комитетининг раиси Каҳҳоров ва район пахтачилик бўлимининг бошлиғи Мирзаев ўртоқлардан ҳозир ҳам «иш қалай» деб сўрасангиз, «ғўзаларимиз ўтган йилдагига қараганда анча яхши, 31 июльгача 4 марта чопиқ, 5 марта культивациядан чиқарилди, 1.582 гектар ерда ҳатто 6-нчи культивация қилинди, суғориш ва чеканка ҳам тез сур'ат билан ўтказилаётир», деб жавоб берадилар. Қисқаси, Косонсой районининг раҳбарлари аҳволни сводкадаги рақамларга қараб белгилашга одатланиб қолганлар. Натижада, улар далалардаги ҳақиқий аҳволни яхши билмайдилар. Бунинг учун бирқанча мисол келтириш мумкин.

Чиндовул қишлоқ советидаги йирик пахтакор «Правда» колхозида сувдан фойдаланиш жуда ёмон аҳволда, 3-нчи бригаданинг сувчиси Мўминов эгатларга сув тараб қўйиб, ўзи ухлаб қолган. Натижада, ҳамма ёқни сув босиб, ерга солинган минерал ўғитни оқизиб кетган.

МТС директори ўртоқ Мелкумов район партия комитетининг бюро мажлисларида трактор культивациясини кучайтириш тўғрисида қайта-қайта сўз беради, аммо бу соҳада йўл қўйилган хатоларни тугатиш юзасидан ҳеч қандай чора кўрмайди. Унинг айби билан Кўкимбой қишлоқ советида 5 ойдан бери агроном йўқ. Бу қишлоқ советидаги колхозларда 17 «универсал»дан фақат 7 таси ишлайди.

Юқоридаги аҳволлар район партия комитети раҳбарларидан ташкилий ишлар блан бирқаторда, колхозчилар ва трактрочилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишни ҳам талаб қилади. Аммо бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. «Янги ўзгариш» ва «Правда» каби йирик партия ташкилоти бўлган колхозларнинг далаларида оммавий-сиёсий ишлар жуда бўш. Бошқа ва яслиларнинг иши тўхтатиб қўйилган. Райондаги бирорта колхозда ҳам кундалик газета хабарларини ўқиб эшитдириш уюштирилмаган.

Кўкимбой қишлоқ советидаги Дзержинский номли, Ленин йўли қишлоқ советидаги «Ленин йўли» ва Коммунизм қишлоқ советидаги «Коммуна» колхозларининг а'золари Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириб, ғўзани парвариш қилишда яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу колхозларда мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятни бажариш учун қизғин кураш кетаётир. Лекин район ташкилотлари бу колхозларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш юзасидан ҳеч қандай иш олиб бормаётирлар.

Хулоса қилиб айтганда, Наманган областининг Косонсой районида ғўза парваришини кучайтириб, ҳосилга ҳосил қўшиш учун қолган ғанимат кунлардан яхши фойдаланилмаётир. Район ташкилотлари йўл қўйилган хатоларни тезда тугатиб, август ойи ичида ғўза парваришини кучайтириб юбормасалар, ҳосилнинг бир қисмини қўлдан бой бериб қўйишлари мумкин.

С. ОТАЖОНОВ.
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

У. ОХУНЖОНОВ.
«Сталин ҳақиқати» газетасининг ходими.



Суратда: Фарғона область, Олтиариқ районидаги «Қизил қўшин» колхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ҳаким Имомов** ғўзаларни чеканка қилмоқда.
Р. Шарипов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўз зиммамизга олган мажбуриятимизни албатта бажарамиз

Колхозимиз ҳар йил пахтадан мўл ҳосил олиб, давлат пахта тайёрлаш планини ортиғи блан бажариб келмоқда. Ўтган йили 380 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 22 ўрнига 25.5 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Кейинги уч йил ичида ҳосил ҳар гектарига 14 центнердан 25.5 центнерга кўтарилди.

Колхоз а'золаримиз бу йил пахтадан янада мўл ҳосил олиш учун йил бо шиданоқ фидокорона меҳнат қилиб келаётирлар. Биз ҳар гектар еримизда 85—90 минг туп ғўза кўчати бўлишини та'минлаб, ғўзаларимизни шу кунгача 5 марта чопиб, 7 марта культивация қилдик. Уч марта минерал ва маҳаллий ўғит блан озиқлантирдик. Ҳамма ғўзамиз 4 марта суғорилди. Ҳар туп ғўзамизда ҳозир 18—20 та тўқ кўсак ва 30—40 тадан шона ва гул бор.

Мўл ҳосил учун курашаётган бригада ва звеноларимизнинг ғўзалари бундан ҳам серҳосил бўлди. Ўртоқ Зиёд Тожиев бошлиқ звено бултур гектаридан 45 центнер ҳосил олган эди. У, бу йил 60 центнер учун курашаётир. Бригаданинг ҳамма ғўзаси 6 марта парвариш қилингани сабабли, 22—24 тагача кўсак тугди. Ўтган йили гектаридан 48 центнердан ҳосил олган, бу йил 75 центнер учун курашаётган Шафоатхон Боқиева, Барноқул Ёркулов, Эшмамат Тошев, Муқаррам Бекбоева, Солижон Сатторов ўртоқлар бошлиқ звеноларнинг ғўзалари ҳам ана шундай серҳосил бўлди.

Биз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг пахтакорларга ёзган Мактубини муҳокама қилиб, август ойида ғўзани камида яна икки марта парвариш қилишга қарор бердик. Аввалги 329 киши ўрнига 390 киши ишга чиқарилди. Колхозчилар ўзаро мусобақалашиб, янги мажбуриятлар олдилар. Суғоришни икки сменада ташкил қилдик. 16 та бригадага 36 сувчи қўйилди. 10 та культиватор қўшимча равишда ишга туширилди.

Кетманчи ва сувчилар ўртасида стахановчилик ҳаракати авж олиб кетди. Ойнахон Барноева, Шаҳодат Боқиева, Нарзулла Рўзиев, Бониой Сатторова сингари колхозчилар ойликнинг дастлабки кунларидаёқ чопиқ, культивация ва суғоришда ҳар куни 1,5—2 норма бажараётирлар.

Биз август ойи давомида ғўза парваришида ҳарқачонгидан ҳам яхшироқ ва унумлироқ ишлаб, ҳамма гулни кўсакка айлантирамиз ва бу йил ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни албатта бажарамиз.

Жумақул ҲАМРОЕВ.
Хатирчи район, Чингир қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхозининг раиси.

Тўрт колхоз бирлашди

Наманган область, Уйчи район, Уйчи қишлоқ советидаги Куйбишев номли, Жданов номли, «Большевик» колхозларининг а'золари «Маданият» колхозига ўз ихтиёрлари блан бирлашдилар. Колхознинг пахта майдони 914 гектарга етди. Колхозда катта чорвачилик фермаси вужудга келди. Электр станция, чойхона, клуб кенгайтирилди.

Шу муносабат блан «Маданият» колхози а'золарининг умумий йиғилиши бўлди. Йиғилишда колхоз раиси ўртоқ Усмон Қамбаров сўзга чиқиб, колхозлар партия ва ҳукуматимизнинг раҳбарлиги остида ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланаётганлиги, колхознинг йириклашуви орқасида қишлоқ хўжалик ишларини кенг машиналаштириш, агротехника тадбирларини тўла амалга ошириш ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун катта имконият туғилганлиги айтди.

Йиғилиш қатнашчилари «Маданият» колхозининг барча пахта майдонида мўл ҳосил етиштириш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубида белгиланган тадбирларни тўла амалга ошириб, август ойида ғўза парваришини янада кучайтиришга қарор қилдилар.

М. МУСАЕВ.

Ғўзани чеканка қилиш кечиктирилмоқда

Фарғона область, Бағдод районининг кўпчилик колхозида ғўзани чеканка қилиш кечиктирилаётир. Ленинобод қишлоқ советидаги колхозларда 1.085 гектар ердаги ғўзадан энди 140 гектари, Қанғли қишлоқ советидаги 693 гектар ғўзадан 55 гектари чеканка қилинган, холос. Айрим колхозларда ғўзани чеканка қилишга ҳали киришилмаган. Чувалачи қишлоқ советидаги кўпчилик колхозда ғўзалар чеканка қилишга етилганига анча вақт бўлганига қарамай, ҳали бу ишга оммавий киришилгани йўқ.

Шунингдек, колхозларда чеканка қилишда агротехника қоидаларига ҳам етарли э'тибор берилмаётир. Чеканка қилиб олинган чилпиндилар ғўзанинг тагига ташлаб кетилмоқда. Бу эса ҳашаротнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ советлари ва колхозларнинг раҳбарлари ғўзани чеканка қилишни ўз вақтида юқори сифатли ўтказиш юзасидан тегишли тадбирларни кўрмаётирлар.

М. ШАРИПОВ.

Ўртоқ Я. А. Маликнинг 3 августда Хавфсизлик Совети мажлисида сўзлаган нутқи

НЬЮ-ЙОРК, 3 август. (ТАСС). СССР вакили Я. А. Малик 3 августда Хавфсизлик Совети мажлисида сўзлаган нутқида бундай деди:

«Хавфсизлик Совети Қурия масаласини Хавфсизлик Советининг кун тартибига қай тарзда киргизиш тўғрисидаги масалани, я'ни иш тартибига тааллуқли масалани уч мажлисдан буён муҳокама қилмоқда.

Мунозара вақтида Қурия масаласида бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган икки йўл, чунончи: бу масалани тинч йўл блан ҳал қилиш мақсадида, уни совет делегацияси талаб қилганидек, тинчлик манфаатлари нуқтаий назаридан муҳокама қилиш керакми, ёки уни Қуриядаги уруш ҳаракатларини янада давом эттириш, қурия халқига қарши Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг қуролли интервенциясини кучайтириш, бу агрессияни кенгайтириш, бу урушни кучайтириш нуқтаий назаридан муҳокама қилиш керакми деган икки йўл аён бўлиб қолди.

Америка Қўшма Штатлари вакилининг нутқларидан ва унинг томонидан киргизилган таклифларининг мазмунидан аниқ ма'лум бўлишича, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати агрессияни давом эттиришни ва кучайтиришни талаб қилади ҳамда Қурия масаласини тинч йўл блан ҳал этишга ҳарҳил йўллар блан тўсқинлик қилмоқчи бўлади.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати агрессия тайёрлаш сиёсатидан тўппа-тўғри актив агрессияга ўтиб, қурия халқига қарши бошланган агрессияни кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида Қуриядаги ўз ҳарбий авантюрасига Бирлашган Миллатларни тортмоқчи бўлиб уринади.

СССР ҳукумати тинчлик сиёсатини изчиллик блан оғишмай ўтказиб ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тинчлик воситаси деб билиб, Хавфсизлик Советига Қурия масаласини тинч йўл блан ҳал қилиш тўғрисида таклиф киргизади.

СССР делегацияси Совет ҳукуматининг топширувига биноан, Қурия масаласини тинч йўл блан ҳал қилиш тўғрисидаги моддани Хавфсизлик Советининг кун тартибига киргизди. Хавфсизлик Совети бу масалани кечиктирмай шошилинч равишда муҳокама қилсин ва уни тинч йўл блан ҳал қилиш учун зарур чораларни кўрсин, деб талаб қилди.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ва унинг делегацияси совет таклифига қандай қараяпти?

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати совет таклифининг муҳокама қилинишига халақит бериш ниятида ўз делегациясига бема'ни ҳуруж блан чиқишни топширди. Бу ҳуруж қуйидагидан иборат:

Совет вакили томонидан 1 августга белгиланган Хавфсизлик Совети мажлиси арафасида Америка Қўшма Штатлари делегацияси шошма-шошарлик блан ўз резолюция лойиҳасини киргизди ва эндиликда, Хавфсизлик Совети фақат шу резолюцияни кўрсин, совет делегацияси тақдим этган икки масалани, я'ни «Хитой халқ республикаси Марказий халқ ҳукумати вакилини Хитойнинг вакили деб тониш тўғрисида» ва «Қурия масаласини тинч йўл блан ҳал қилиш тўғрисида»ги масалаларни Хавфсизлик Советининг кун тартибига киргизиш тўғрисидаги таклифи рад этилсин, деб таклиф қилади.

Америка Қўшма Штатлари делегацияси Қурияда тинчликни тиклаш ва мустаҳкамлашга ҳамда Хавфсизлик Советини қонуний составда тиклашга қаратилган бу икки муҳим масаланинг муҳокама қилинишига йўл қўймаслик мақсадида ўз резолюция лойиҳасида аслда Қуриядаги уруш ҳаракатларини кучайтиришга, Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг қурия халқига қарши бошлаган агрессиясини кенгайтиришга қаратилган тадбирларни таклиф этади. Хитой қатнашмасдан туриб Хавфсизлик Совети қонуний составда ишлаётган Совет деб ҳисобланаолмайди ва қонуний қарорлар қабул қилаолмайди.

Америка Қўшма Штатлари вакили ва унинг англияли шериги бу таклифларнинг агрессив моҳиятини «низо'нинг ёйилишига йўл қўймаслик» ҳақидаги гаплар блан ниқобламоқчи бўладилар. Лекин улар бу та'бирни Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг Қуриядаги ўз агрессиясини кучайтиришга, қўшич ва қурол-яроғ юборишни кўпайтиришга, қурия халқига қарши олиб борилаётган урушда қатнашишга бошқа давлатларнинг қуролли кучларини жалб қилиш йўли блан уруш ҳаракатларини кенгайтиришга, америка авиациясининг Қуриядаги тинч шаҳар ва қишлоқларга ваҳшийларча қилаётган ҳужумларини кучайтиришга, Қурия тинч аҳолиси ўртасидаги қурбонлар сонини кўпайтиришга, одамларни қасддан ўлдиришни кучайтиришга интилаётганлигини ниқоблаш учун ишлатмоқдалар. Инглиз-америка империализмининг тарихидан «низо'нинг ёйилишига йўл қўймаслик» ва «пасификация» та'бирларининг мудҳиш ма'носи жуда яхши ма'лумдир.

Америка Қўшма Штатлари делегацияси ана шундай қабиҳ усулни ишлатиб, Қурия масаласини тинч йўл блан ҳал қилиш муаммосининг Хавфсизлик Советида муҳокама қилинишига тўсқинлик қилмоқчи бўлади.

Бинобарин, совет делегацияси Хавфсизлик Советида муҳокама қилишни таклиф этаётган масала блан Қўшма Штатлар делегациясининг таклифи ўртасида жуда катта фарқ бор. Совет делегацияси Қурия масаласини тинч йўл блан ҳал қилиш масаласи муҳокама қилинсин деб таклиф этади. Қурия масаласини тинч йўл блан ҳал қилиш деган сўзнинг ўзи Совет ҳукуматининг тинчликка интилаётганлигини ва бу масалани Хавфсизлик Совети орқали тинч йўл блан ҳал қилишга ҳаракат қилаётганлигини яққол кўрсатиб турипти.

Америка Қўшма Штатлари делегацияси эса, ўз резолюциясини кун тартибига киргизишни талаб этиб ва бу резолюцияга «Қурия республикасига қарши бошланган агрессия тўғрисидаги шикоят» деган сохта номни бериб, бу блан Америка Қўшма Штатларининг Қурия халқига қарши қилган агрессиясини яширишга интилади. Бирлашган Миллатларни ва халқаро афкор оммани чалғитмоқчи бўлади. Қурия воқиаларининг бошланишини ва авж олиб кетишини америка да'во қилганидек, бирёқламалик блан сохта тасвирлашга уринади. Қуриядаги воқиалар учун айбни Қурия халқ-демократик республикаси ҳукуматига тўнкамоқчи бўлади.

Қурияда бўлаётган воқиалар 25 июньда Жанубий Қурия ма'мурлари қўшинларининг игвогарлик ниятида Қурия халқ-демократик республикасининг чегара районларига ҳужум қилганлиги натижасида юз берганлиги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар ва фактлар блан исбот қилинди.

Совет ҳукуматининг ташқи ишлар министр ўринбосари А. А. Громико томонидан қилинган баёнотида расмий далиллар ва аниқ фактлар келтирилган. Бу далиллар ва фактлар ҳаммага аниқ кўрсатадики, бу ҳужум олдиндан пухта ўйланган ва тайёрланган план бўйича, америка ҳарбий маслаҳатчиларининг раҳбарлиги остида ва бевосита иштироки блан, шунингдек Америка Қўшма Штатларидаги юқори мансабли расмий шахслар — ҳарбий министр Жонсон, Америка Қўшма Штатлари қуролли кучлари бош штаби бошлиғи Брэдли, давлат департаментининг маслаҳатчиси Даллеснинг ижозати ва розилиги блан қилингандир.

Бу далилларни яна келтириш ва такрорлаш учун эҳтиёж йўқ. Мен 26 июньда, я'ни Қурия воқиалари бошланғандан кейин эртаси куни америка ва инглиз газеталарида босилиб чиққан фоторасмга Хавфсизлик Совети а'золарининг э'тиборини жалб қилиш блан кифояланаман.

Фош қилучи бу фоторасмда Америка Қўшма Штатлари давлат департаментининг расмий маслаҳатчиси Даллес ва Америка Қўшма Штатларининг Жанубий Қуриядаги «элчиси» Муччо тасвирланган. Улар 38-нчи параллельдан жанубдаги окопларда турипптилар, уларнинг атрофида америка ҳарбий маслаҳатчилари ва Жанубий Қуриядаги писинманчи кўғирчоқ «ҳукумат» қўшинларининг офицерлари бор. Хавфсизлик Совети а'золаридан бирортаси ҳам Даллес ва Муччо бу окопларда ғунафша териб юрганлар деб ўйламаса керак. Йўқ. Даллес бу ерда ўзининг уруш оловини ёқучилик қиёфасига кўпроқ мос келадиган бадбин ишлар блан машғул бўлган. Даллес Жанубий Қурия қўшинларининг Шимолий Қурияга ҳужум қилишга таёрлигини текширган.

Даллеснинг бундан кейин сенатда қилган баёнотлари унинг Қуриядаги воқиаларни уюштирган асосий уруш оловини ёқучилардан бири эканлигини яққол кўрсатади.

Бу расм америка ҳукуматининг Қуриядаги агрессияси аллақачон тузилган план натижасида юз берганлигини та'кидлайди.

Собиқ писинманчи ички ишлар министри, Жанубий Қурия «миллат мажлиси»нинг собиқ а'золаридан 48 киши ва писинманчи қўшинларининг кўп сафсерлари ўз баёнотларида Шимолий Қурияга қилинган ҳужум олдиндан тайёрланганлигини ва шу йил 25 июньда тонготар вақтида Ли Син-ман буйруғи блан бошланганлигини, Ли Син-ман «Шимолга юриш» плани тайёрлаш ва бу планни амалга ошириш тўғрисида Макартурдан илгари буйруқ олганлигини та'кидламоқдалар.

Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари Қурия халқ-демократик республикасининг чегара районларига Жанубий Қуриядаги ўз кўғирчоқларининг қуролли ҳужумини уюштириб, бу игвогарликдан қурия халқига қарши аллақачон ўйланган ва тайёрланган кеиган қуролли аррессияларини оқлаш учун фойдаландилар.

Бирқадар холис бўлган қарбир кишига ма'лумки, Қурияда жанубий ва шимолий қуриялилар ўртасида граждандлар уруши бормоқда.

Шимолий ва жанубий қуриялилар ўртасидаги уруш ҳаракатлари ички уруш, граждандлар урушидир. Шу сабабли бу уруш ҳаракатларига агрессия деб қараш учун ҳеч қандай асос йўқ. Бир давлат иккинчи давлатга ҳужум қилган жойда агрессия бўлади. Совет ҳукумати аррессиянинг нима эканлигини та'рифлаш тўғрисидаги масалада 1933 йилдан буён ана шундай йўлни тутиб келмоқда. Қуролланишни чеклаш юзасидан ўша вақтда чақирилган Жанва конференциясининг хавфсизлик масалалари блан шуғулланган комитетида СССР делегацияси аррессиянинг нима эканлигини ана шундай та'рифлаб берган эди (аррессиянинг та'рифи тўғрисидаги илова кўрилсин).

Бу ҳужжатда ҳужум қилишда айбдор бўлган мамлакатни, ҳужум қилучи томонни, аррессорни аниқлашга да'ват қилиниши мумкин бўлган халқаро органлар учун қўлланмалар берилган.

Ма'лумки, бу ҳужжатга биноан, бир давлатнинг иккинчи давлатга қарши уруш э'лон қилиши, бир давлат қуролли кучларининг иккинчи давлат территориясига рарчи уруш э'лон қилмай туриб бўлса ҳам бостириб кириши, бир давлат қуролли кучларининг иккинчи давлат территориясини бомбардимон қилиши ва бошқа шу каби ҳаракатлар аррессия деб ҳисобланади.

Бу ҳужжатга биноан, ҳечқандай сиёсий, стратегик ёки иқтисодий мулоҳазалар ҳужумни оқлайолмайди.

Ҳужум остида қолган давлат территориясининг ўзига хос давлат хусусиятларини инкор қилиш ҳам ҳужумни оқлайолмайди. Революцион ёки контрреволюцион ҳаракатлар, граждандлар уруши, шунингдек бирор давлатда бирорта сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тузумнинг ўрнатилиши ёки сақланиши ҳам ҳужумни оқлаш учун асос бўлаолмайди.

Аррессиянинг нима эканлигини ва ҳужум қилучи томоннинг, я'ни аррессорнинг ким эканлигини шу тартибда та'рифлашни Миллатлар Иттифоқининг хавфсизлик масалалари блан шуғулланган комитети, я'ни 17 давлат вакилларидан иборат Комитети 1933 йил май ойида асосан қабул қилган эди. Шу нарсани алоҳида уқдириб ўтиш ва Хавфсизлик Советининг э'тиборини шунга жалб қилиш керакки, мазкур Комитетнинг составида ҳозирги вақтда Хавфсизлик Совети а'зоси бўлган бирқанча давлатларнинг вакиллари, чунончи: СССР, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция ва Норвегия вакиллари бор эди. Демак, ҳозирги вақтда Хавфсизлик Советининг а'зоси бўлган бешта давлат аррессиянинг нима эканлигини ва аррессорнинг ким эканлигини та'рифлаш тўғрисидаги мазкур халқаро декларацияни ўз вакиллари воситаси блан қабул қилган эдилар.

Аммо, ба'зи давлатларнинг сустқашлиги натижасида бу иш 1939 йилгача тугалланмади, кейин уруш бошланиб кетди. Мазкур декларациядаги халқаро ҳуқуқ қоидалари ва та'бирлари нуқтаий назаридан қараганда, Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг қурия халқига қарши олиб бораётган уруш ҳаракатларини тўғридан-тўғри қуролли аррессиядир, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати эса ҳужум қилучи томон, я'ни аррессордир.

Америка Қўшма Штатларининг қуролли кучлари, расман уруш э'лон қилмаган ҳолда, Қурия территориясига бостириб кирдилар.

Мазкур декларация бундай ҳаракатларни аррессия деб та'рифлайди.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Г. И. Котовский

(ВАФОТИГА 25 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН)

1926 йил 23 февральда Украина К(б)П Марказий Комитети ва Харьков округ комитетининг органи «Коммунист» газетасида Григорий Иванович Котовский тўғрисида И. В. Сталин томонидан ёзилган некролог босилиб чиқди. Ўртоқ Сталин бу некрологда шонли қаҳрамон, «камтар командирларимиз ўртасидаги энг мард ва мардлар ўртасидаги энг камтар командир» Котовскийнинг сиймосини абадий унутилмас тарзда та'рифлаб берди.

Котовскийнинг номи «ВКП(б) тарихи қисқа курси» китоби саҳифаларига ҳам ёзилган. Қишлоқлар, кемалар, колхозлар, совхозлар ва пионер отрядлари Г. И. Котовский номига қўйилган. Бирқанча шаҳарда кўчалар Котовский номи блан аталади. Улуғ Ватан уруши йилларида Украина, Белоруссия ва Молдавияда жуда кўп партизан отрядлари Котовский номи блан аталди.

Котовскийнинг номи бутун совет халқи учун азиздир. Халқ ичидан чиққан Г. И. Котовский шонли коммунистлар партияси раҳбарлиги остида ҳаётининг сўнгги кунларигача партияга ва ўз халқига содиқ бўлиб қолди, Совет Армияси сафида туриб, оқгвардиячиларга ва интервентларга қарши фидокорона курашди, уларни аёвсиз тор-мор келтирди.

Г. И. Котовский мустаҳкам иродали, саботли, бениҳоя мард, исте'додли ҳарбий ташкилотчи эди. Ўртоқ К. Е. Ворошилов «Котовский пролетариатнинг энг жасур жангчиларидан бири, энг яхши отлиқ аскар командирларидан бири, Қизил Армиянинг энг ботир қаҳрамонларидан бири эди», деди.

☆

Г. И. Котовский 1887 йилнинг 12 июнида Бессарабиядаги Ганчешти деган шаҳарчада туғилди. Григорий Котовский ёш вақтидан отаси механик бўлиб ишлаган вино заводидаги ишчиларнинг оғир ҳаётини кўрди.

Котовский ўн олти ёшида чор тюрьмасига қамалди. Бу биринчи қамоқ, тюрьмада сиёсий маҳбуслар блан учрашув унда унутилмас таассурот қолдирди, унда мавжуд тузумга қарши кучли нафрат уйғотди.

1905 йилда молдаван деҳқонлари ҳам чоризм ва помешчиклар зулмига қарши кўтарилдилар. Ёш Котовский қўзғолон кўтарган деҳқонлар отрядига бошчилик қилди, омманинг мард ва моҳир ташкилотчиси сифатида ўзини танитди.

1906 йилда полициянинг игвогарлиги орқасида Котовский қамоққа олинди. Суд уни 10 йил каторгага ҳукм қилди. Аммо ҳеч нарса унинг революцион иродасини енголмади.

Котовский Нерчинск конларида икки йил ишлади. Шу вақтда у қочиб кетиш режасини тайёрлади ва ниҳоят 1913 йилда қочишга муваффақ бўлди. Котовский шаҳарма-шаҳар юриб, юкчи, кочегар, темирчи бўлиб ишлади. 1914 йилда у Бессарабияга қайтиб келиб, яна самодержавиега ва помешчикларга қарши курашга бошчилик қилди. Икки йилдан кейин яна қамоққа олинди. Бу гал у отиб ўлдиришга ҳукм этилди. Лекин афкор омманинг таз'йиқи блан ўлим жазоси ўрнига муддатсиз каторгага юборилди. Котовский февраль революциясидан кейингина каторгадан озод қилинди.

Котовский 1917 йилда Румония фронтида бўлганда, большевиклар сафига кирди. Г. Котовский большевиклар партиясининг ҳарбий шиорини чин қалбидан ма'қуллаб кутиб олди. У жўшқин революцион курашда кундан-кунга чиниқиб борди. Бу вақтда Петроградда, Ленин ва Сталин раҳбарлиги остида, большевиклар Октябрь штурмига тайёргарликни якунлаётган пайт эди.

Петрограддаги қуролли қўзғолон ғалаба қилганлиги тўғрисидаги хушхабарни Котовский зўр қувонч блан кутиб олди. Бутун мамлакатда Совеглар ҳокимияти ўрнатилди.

1918 йил эди. Ҳаммаёқдан душманлар томонидан қуршаб олинган ёш совет республикаси бор кучини сафарбар қилиб, Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилмоқда эди. Одессадаги большевикларнинг яширин революцион комитети Котовскийга Одесса атрофидаги қишлоқларда қўзғолон тайёрлашга, партизан дружиналари тузишни ва улардан бирлашган партизан отряди ташкил қилишни топширди. Котовский мислсиз мардлик ва маҳорат блан ишлаб, 1919 йилнинг кўкламида Одессада совет ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлди.

1919 йилнинг ёзида Украинага шарқдан ва Қримдан Деникин, ғарбдан оқ поляклар ва Петлюра бостириб келдилар. Одессани инглиз ва француз десанти ишғол қилди. Поляклар исённи авж олди. Совет қўшинларининг жанубий группаси шимолдаги совет армиялари блан қўшилиш мақсадида чекинабошлади. Котовский бригадаси чекинаётган совет қўшинларини ҳимоя қилган вақтда жанубий группа қисмларидан ажралиб қолади. Бригадани оқгвардиячилар ва қулоқлардан иборат босмачилар қуршаб оладилар. Жанг кун бўйи давом этади. Котовский ўзи танлаб олган садоқатли дўстлари блан бирга жанг айни авж олган жойга ташланади. Котовский бригадаси қуршов ичидан чиқиб, жанубий группа блан қўшилади. Котовский бригадаси шимол томонга бораётганида 14 та босмачилар тўдаси блан жанг қилади.

Григорий Иванович ҳарбир жангда мисли кўрилмаган мардлик, жасорат ва маҳорат кўрсатди. Душман фронтини муваффақият блан ёриб ўтгани учун Котовский мукофотланди.

Жанубий группа қисмлари Житомирда тўпланганларидан кейин Киевга юборилдилар. Киев деникинчилар томонидан ишғол қилинган эди. Котовский бригадаси бу операцияда актив қатнашди. Киев остоналарини офицерлар қисми ҳимоя қилар эди. Киевни озод қилиш вазифаси мураккаб ва қийин вазифа эди. Октябрьнинг совуқ кунлари эди. Узоқ йўл босиб чарчаган, етарли ўқ-дориси бўлмаган котовскичилар оқгвардиячиларга қарши жангга ташландилар. Котовский ҳамиша жанг қизиган ерларда, энг хавфли жойларда бўлди. Котовский бригадаси душманнинг истеҳкомларидан ёриб ўтиб, бошқа қисмлардан илгари Киевга кирди.

1919 йилнинг ноябрида Котовский бригадаси Петроградни ҳимоя қилиш учун юборилди. Қизил Армия қисмлари ва Болтиқ флоти денгизчилари ўртоқ Сталиннинг раҳбарлигида, Юденич галаларини тор-мор келтирган пайтда котовскичилар Петроградга келдилар. Партия Марказий Комитети ва Мудофаа Совети ўртоқ Сталинни Петроград фронтига юборган эди. Котовский бригадасининг бирнеча эскадронигина оқ офицер роталарини тугатишда қатнашадилар.

Бригада яна Украинага қайтиш тўғрисида буйруқ олди. Котовскичилар буйруқни хурсандчилик блан кутиб олдилар. Котовский 45-нчи дивизиянинг отлиқ полкларидан алоҳида отлиқ бригада тузиш тўғрисида янги топшириқ олди.

Бригада 14-нчи армия составида ҳаракат қилиб, деникинчиларнинг чекинаётган йўлини тўсиб қўйиш мақсадида, яшиндай тез берилган қақшатғич зарба блан аввал Одессага, сўнгра Молдавияга ёриб ўтиши керак эди.

Котовский ўз бригадаси блан оқларнинг қаршилигини енгиб, 1920 йил 7 февральда Одессага етди. Шиддатли жанглар натижасида Одесса, Тирасполь ва бошқа шаҳарлар озод қилинди.

Котовский бошлиқ отлиқ бригада 1920 йилнинг март ойида, 1-нчи отлиқ армия блан бирга, Польша фронтига юборилди. Котовский бу фронтда ўзини исте'додли, жанговар командир ва ташкилотчи сифатида танитди. Котовский бошлиқ алоҳида отлиқ бригада оқ поляклар қарши курашда мислсиз жасорат ва мардлик кўрсатди.

1-нчи жанглардаёқ оқ поляклар Котовский моҳир саркарда эканлигини билиб олдилар. Уларнинг орасида, Котовский жангда бир зарб блан одамларни иккига бўлиб юборар эмиш, деган гап-сўзлар кўпайиб қолди.

Оқ поляклар отлиқ бригадани тормор келтириш ниятида «енгилмас ажал полки» ташкил қилдилар. Разведкачилар орқали хабардор бўлган Котовский бунинг олдини олишга қарор қилди. У қоронғи кечада ўз эскадронларини «енгилмас ажал полки» устига бошлаб борди ва бу полкни тамомила тор-мор келтирди. Шундан кейин Котовский бригадаси жуда кўп оғир жангларда қатнашди.

Польша фронтидаги кўрсатган қаҳрамонлиги учун отлиқ бригада фахрий революцион байроқ блан мукофотланди. Котовский ва бригаданинг кўп жангчилари Қизил Байроқ ордени блан мукофотландилар.

Сўнгра Котовский бригадаси Петлюра кучларига қарши, Махно, Антонов, атаман Тютюнин босмачи тўдаларига қарши курашди.

Граждан уруши тугади. 1922 йилда Котовский 2-нчи отлиқ корпусини тузди. У отлиқ корпусни тузиш учун кўп меҳнат сарфлади. Котовский ҳарбий-илмий ишларга катта э'тибор берди. У, корпусда ҳарбий жамиятнинг раиси эди. Котовский ҳарбий билимини тинмай оширди. У Совет Армиясининг ҳарбий сан'ати фан ва техникасининг сўнгги муваффақиятларига таяниши кераклигини билар эди.

Котовский ўз ниятларини севикли дўсти ва раҳбари М. В. Фрунзега билдириб турар эди. Котовский М. В. Фрунзени Ленин ва Сталиннинг энг содиқ шогирди деб биларди. Фрунзе блан яқин муносабатда бўлганлиги уни ҳартарафлама ўстирди. Фрунзе Котовскийнинг ҳарбий тажрибасига, жўшқин ғайратига юксак баҳо берарди.

М. В. Фрунзе 1923 йилнинг 13 октябрида С. М. Кировга бундай деб ёзган эди: «Ўртоқ Котовский сиёсий фаолия

Ўртоқ Я. А. Маликнинг 3 августда Хавфсизлик Совети мажлисида сўзлаган нутқи

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Америка Қўшма Штатларининг қуруқликдаги, денгиздаги ва ҳаводаги кучлари Қурия территориясини бомбардимон қилмоқдалар, Қуриянинг денгиз кемаларига ва ҳаво кучларига ҳужум қилмоқдалар. Мазкур декларацияга мувофиқ, бундай ҳаракатлар агрессия ҳаракатидир, Америка Қўшма Штатлари эса ҳужум қилучи давлат, яъни агрессордир.

Америка Қўшма Штатларининг қуруқликда, денгизда ва ҳавода ҳаракат қилучи кучлари Қурия территориясига туширилди, улар ҳозирги вақтда ички, граждалар уруши билан банд бўлган қурия халқига қарши бу ерда уруш ҳаракатлари олиб бормоқдалар. Америка Қўшма Штатларининг бу ҳаракатлари агрессиядир.

Америка Қўшма Штатлари Қурия соҳилларини ва портларини денгиздан қамал қилди. Мазкур декларацияга мувофиқ, бу ҳаракатлар агрессиядир.

Америка Қўшма Штатлари Қуриядаги агрессиясини «стратегик мулоҳазалар» билан, гўё «миллий хавфсизликни таъминлаш» мақсадида ўз чегараларидан мумкин қадар узоқда мудофаа линияси барпо этиш истаги билан оқламоқчи бўлади.

Бу баҳонанинг сохта эканлиги ва америка Қўшма Штатларининг Қурия халқига қарши бошлаган агрессиясини оқлайолмаслиги равшандир. Агрессияни аниқлаш тўғрисидаги мазкур декларацияга биноан, бундай ҳаракатлар тўғридан-тўғри агрессия ҳисобланади.

Мазкур ҳужжатда, ҳеч қандай сиёсий, стратегик ёки иқтисодий мулоҳазалар ҳужумни оқлайолмайди, деб тўпа-тўғри айтилади.

Бинобарин, Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг Қуриядаги ҳаракатларига агрессияни аниқлаш тўғрисидаги ана шу декларация нуқтаи назаридан қараш Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг Қурияда икки гуруҳ ўртасида бўлаётган ички низо'га аралашганлигини ва шу билан қурия халқига қарши қуролли агрессия бошлаганлигини та'кидлайди.

Шимолий ва жанубий қуриялилар ўртасидаги урушга келганда, бу уруш ички уруш, граждалар урушидир, агрессияни аниқлаш тўғрисидаги декларацияни бунга татбиқ қилиб бўлмайди, чунки бу ерда уруш икки давлат ўртасида эмас, балки вақтинча икки ҳукумат лагерига ажратилган қурия халқининг икки қисми ўртасида бораётир.

Бинобарин, Қуриядаги низо' ички низо'дир. Жанубий ва шимолий америкалилар мамлакатни бирлаштириш мақсадида граждалар уруши олиб борган вақтларида агрессия тушунчасини уларга татбиқ қилиш мумкин бўлмаганидек, ҳозирги вақтда ҳам агрессия қоидаларини жанубий ёки шимолий қуриялиларга нисбатан татбиқ қилиш мумкин эмас. Ма'лумки, ўша вақтда Англия агрессор ролини ўйнаган эди, Англия ана шу граждалар урушига аралашмоқчи ва Американинг шимолий ҳамда жанубий қисмларини бирлаштиришга халақит бермоқчи бўлган эди. Эндиликда Англия Америка Қўшма Штатлари билан бирга Қуриядаги граждан урушига аралашиб, бу мамлакатни бирлаштиришга халақит бермоқчи бўлади.

Хитой тўғрисида ҳам шундай нарсани айтиш мумкин. Ма'лумки, Хитойда Чан Кай-ши группаси билан шимолдаги халқ-озодлик ҳаракати ўртасидаги курашга агрессия деб қаралмади, шу сабабли чет давлатлар бу ички низо'га, бу граждалар урушига аралашмадилар.

Ана шу айтилганлардан равшанки, Қурия территориясида ўз қўшинларини сақлаб келаётган ва шимолий қуриялилар билан жанубий қуриялилар ўртасидаги курашга аралашаётган ҳамда шундай қилиб, уруш ҳаракатлари доирасини кенгайтираётган давлатлар Қурияда бирдан-бир агрессорлар деб ҳисобланади.

Демак, Қурияда, бир томондан, шимолий ва жанубий қуриялилар ўртасида ички жанжал, ўраждалар уруши бормоқда, иккинчи томондан, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати қуролли агрессия ўйли билан Қуриядаги бу ички урушга, граждалар урушига аралашмоқда, бу қуролли аралашув агрессияни аниқлаш тўғрисида Миллатлар иттифоқининг хавфсизлик масалалари билан шуғулланган Комитетида, яъни 17 давлат вакиллари, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари вакили ҳам қатнашган Комитетда 1933 йил май ойида қабул қилинган декларацияда кўзда тутилган агрессия тушунчасига тамомила тўғри келади.

Ма'лумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави ҳам бирон давлат ва бирон халқнинг икки группаси ўртасидаги ички низо' вақтида Бирлашган Миллатларнинг бу давлатдаги ички ишларга аралашишларини тақиқлайди.

Шунга мувофиқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави Хавфсизлик Совети мамлакатларнинг ички ишларига эмас, балки халқаро майдондаги воқиаларгагина аралашуви керак деб кўзда тутади.

Қурия масаласининг ва Америка Қўшма Штатлари томонидан қурия халқига қарши бошланган қуролли агрессиянинг моҳияти ана шундайдир.

Шундай қилиб, бутун дун'ё халқлари ва Бирлашган Миллатлар ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг Қуриядаги очиқдан-очиқ қуролли агрессиясини, Америка Қўшма Штатларининг бу агрессияга Бирлашган Миллатларни тортишга уринаётганлигини кўриб турипти.лар.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Қуриядаги аллақачон мўлжалланган агрессияга тайёрланиб, Хавфсизлик Советида Хитой вакилининг иштирок қилиши ҳақидаги масаланинг ҳал этилишини шу йил январь ойидан буён пайсалга солиб келди, шу сабабли Хитойнинг бирдан-бир қонуний ҳукумати — Хитой Халқ республикаси Марказий халқ ҳукумати то ҳозиргача Хавфсизлик Советида ўз вакилига эга эмас, бу эса Совет Иттифоқи вакилига ҳам Хавфсизлик Совети мажлисларида қатнашиш имкониятини бермади.

Америка Қўшма Штатлари Хавфсизлик Советида унинг икки доимий а'зоси — СССР ва Хитой йўқлигидан фойдаланиб, бу Советда ўзининг ҳарбий-сиёсий иттифоқчиларига **таз'йиқ қилиб**, Хавфсизлик Советини шошмашошарлик билан бирқанча ғайриқонуний, шармандали қарорлар қабул қилишга мажбур этди. Бу қарорлар, бир томондан, Америка Қўшма Штатларининг қурия халқига қарши бошлаган агрессиясини ниқоблашга, иккинчи томондан эса, Қуриядаги бу урушга бошқа давлатларни тортиш йўли билан Қурияда ва Узоқ Шарқда уруш оловини кенг авж олдиришга қаратилгандир.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Қуриянинг ички ишларига қуролли куч билан аралашиш учунгина эмас, балки Осиёда Қурия ва Япония соҳилларидан тортиб Вьетнам территориясигача бўлган кенг майдонларда ўз агрессиясини авж олдириш учун, хитой, вьетнам ва филиппин халқларининг ички ишларига аралашиш учун баҳона сифатида Қурияда ички ўзаро жанжални уюштириб.

Ҳаммага ма'лум фактлар ана шундай, бу фактларни Америка Қўшма Штатлари расмий йўллар билан, шунингдек Америка ташқи сиёсий пропагандаси — маш'ум «Америка овози» йўли билан зўр бериб тарқатаётган бирёқлама сохта гаплар ва уйдирмалар билан рад этиб бўлмайди. Бу фактларни генерал Макартур шошиб-пишиб тўқиган. Америка Қўшма Штатлари ҳукумати эса Қўшма Штатларнинг Қуриядаги ҳарбий агрессиясининг бориши тўғрисида ўз «докладлари» ниқоби остида Хавфсизлик Советига тақдим этишга уринаётган сводкалар билан ҳам, Америка Қўшма Штатлари вакилининг Хавфсизлик Советидаги иш тартиби тўғрисида қилган найранглари билан ҳам рад этиш мумкин эмас.

Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги қуролли агрессияси муносабати билан Хавфсизлик Совети ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида икки йўл — тинчлик ва уруш йўли турипти. Хавфсизлик Совети шу икки йўлдан бирини танлаб олиши керак, яъни урушни давом этдириш ва кенгайтириш, бу урушга тобора кўпроқ миқдорда киши кучларини ва моддий ресурсларни тортиш йўлидан бориш керакми, ёки тинчлик томонига кескин бурилиб, Совет Иттифоқининг гениал йўлбошчиси ва устози улуғ Сталин раҳбарлик қилаётган Совет Иттифоқи бошлиқ барча сулҳпарвар халқлар да'ват этаётган тинчлик йўлидан бориш керакми деган масалани ҳал қилиши зарур.

Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари Хавфсизлик Советини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотини уруш йўлига судрамоқдалар. Улар жаҳонда ҳоким бўлиш ниятида аллақачонлар агрессия сиёсати йўлига кириб олдилар. Ҳозирги вақтда улар тўғридан-тўғри агрессияга ўтиб, сулҳпарвар қурия халқига қарши қўпол агрессия бошладилар. Қуриянинг ички ишларига тўғридан-тўғри аралашиш йўлига кирдилар, қурия халқининг озод, бирлашган, мустақил Қурия давлати тузиш тўғрисидаги аллақачонлардан бўён орзу этиб келган умидларининг рўёбга чиқишига қуролли интервенция ёрдамида халақит беришга уринмоқдалар.

Америка Қўшма Штатлари ўз мамлакатини Қуриядаги урушга тобора кўпроқ тортиб, бошқа мамлакатларнинг ҳукуматларини, даставвал, мустамлакачи давлатлардаги, я'ни Англия, унинг доминионлари, Франция, Голландиядаги ҳукмрон доираларни урушга тортмоқчи бўлади, уларни қурия халқига қарши бошланган, қуролли агрессияга аралашишга мажбур этмоқчи бўлади. Осиёда ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган бошқа мамлакатларнинг халқларига қарши агрессияни кучайтиришга уринади.

Ўзининг сулҳпарварлик сиёсатига содиқ бўлган СССР Бирлашган Миллатларни ва тинчликни та'минловчи халқаро асосий орган бўлган Хавфсизлик Советини Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги агрессиясини рағбатлантириш ва бекитиш йўлидан воз кечишга, Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал этиш йўлига ўтишга, тинчликни тиклаш ва қўллаб-қувватлаш йўлига ўтишга да'ват этади. Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари эса Хавфсизлик Советини агрессияни рағбатлантиришга ва бекитишга мажбур этмоқчи бўладилар.

Ўз-ўзидан ма'лумки, Хавфсизлик Совети Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг талабларига жавоб берадиган тўла қонуний составда, я'ни СССР ва Хитой халқ республикаси вакиллари иштироки билан ишлаган тақдирдагина нормал ишлайолади ва тинчликни сақлаш ҳамда масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш соҳасида ўзига юклатилган олижаноб вазифаларни тўла бажараолади. Шу вақтдавина Хавфсизлик Советининг бешта доимий а'зоси иштироки билан қабул қилган қарорлари қонуний, обрўли ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ҳамда ҳамма қабул қилган халқаро ҳуқуқ қоидалари нуқтаий назаридан шак-шубҳасиз бўлади.

Совет делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига мувофиқ, Хитой халқ республикаси Марказий халқ ҳукумати вакилини дарҳол Хитой вакили деб танишни талаб этади.

Бу муҳим шарт бажарилмаса, Хавфсизлик Советининг бир гуруҳ а'золари томонидан қабул этилган ҳарбир қарор ғайриқонуний, сохта қарор, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига хилсф қарор бўлади, ҳеч қандай халқаро ҳуқуқий кучга ва аҳамиятга эга бўлмаган қарор бўлади.

Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги агрессияси муносабати билан қабул қилинган ана шундай қарорлар буни, шубҳасиз, тамомила та'кидлайди. Хавфсизлик Советида америка делегациясининг зўри билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини бузиб қабул қилинган резолюциялар қонуний кучга эга эмасдирлар, улар агрессорнинг ўз агрессиясини яширишга ва ниқоблашга интилаётганлигини кўрсатади, бу резолюциялар тинчлик ишини мустаҳкамлашга қаратилган эмасдирлар.

Хавфсизлик Совети тинчликни сақлаш ва масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш юзасидан зиммасига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави юклаган вазифаларни бажариши лозим. Хавфсизлик Совети Қурия масаласини кечиктирмай, тинч йўл билан дарҳол ҳал этишга киришган тақдирдагина шу вазифаларини бажарган бўлади.

Совет Иттифоқи делегацияси, Хавфсизлик Совети ана шу йўлдан, я'ни тинчлик ва Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш йўлидан борсин, деб талаб қилади.

Ана шундай йўлгина Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига тўла мувофиқ бўлиб, дун'ёдаги барча сулҳпарвар халқлар уни тамомила қўллаб-қувватлайди.

Совет делегацияси ўзи тақдим этган икки масалани Хавфсизлик Советининг кун тартибига киргизишни талаб қилади ва Америка Қўшма Штатлари делегациясининг кўпоручилик ниятида тақдим этган агрессив таклифларини кун тартибига киргизишга э'тироз билдиради ҳамда бу таклифларга қарши овоз беради».

Агрессиянинг совет делегацияси томонидан баён қилинган ва Миллатлар иттифоқи ҳузуридаги Хавфсизлик масалалари билан шуғулланган комитети томонидан 1933 йил май ойида ма'қуллаган та'рифи

Умумий комиссия,

умумий хавфсизлик манфаатлари нуқтаий назаридан ва қурол-яроғни мумкин қадар кўпроқ камайтириш тўғрисида битимга келишни осонлаштириш нуқтаий назаридан ҳужум тушунчасини мумкин қадар аниқ та'бирлаш, шу билан уни оқлашга қаратилган ҳарқандай баҳоналарнинг олдини олиш зарур деб ҳисоблаб;

ҳамма давлатлар мустақиллик, хавфсизлик ва ўз территорияларини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуқларга эга деб э'тироф қилиб;

умумий тинчлик манфаатларини кўзда тутиб, халқларга ўзлари учун мувофиқ усулда ва ўзлари зарур деб топган сур'атлар билан эркин ривожланиш ҳуқуқини та'минлаш истаги билан руҳланиб, шу мақсадда уларнинг хавфсизлигини, мустақиллигини ва территориялари дахлсизлигини, шунингдек уларнинг мудофаасини ташқаридан бўладиган ҳужумдан ёки бостириб киришдан уларнинг нуқул ўз чегаралари доирасида тўла ҳимоя қилиш мақсадида, ва

ҳужум қилишда айбдор бўлган томонни аниқлашга чақирилиши эҳтимол бўлган халқаро органлар учун зарур раҳбарлик кўрсатмалари бериш керак деб ҳисоблаб, э'лон қилади:

1. Қуйидаги ҳаракатлардан бирини биринчи бўлиб қилган давлат, чунончи:

а) бошқа давлатга қарши уруш э'лон қилган давлат;

в) гарчи уруш э'лон қилмаса ҳам қуролли кучлари билан бошқа давлат территориясига бостириб кирган давлат;

в) қуруқликдаги, денгиздаги ёки ҳаводаги кучлари билан бошқа давлатнинг территориясини бомбардимон қилган ёки қасддан бу давлатнинг кемаларига ёхуд ҳаво кемаларига ҳужум қилган давлат;

д) қуруқликдаги, денгиздаги ёки ҳаводаги кучларини бошқа давлат территориясига бу давлатнинг рухсатисиз туширган ёки киргизган, ёхуд бундай рухсат шартларини, жумладан уларни тушириш вақти ёки уларнинг туриш районини кенгайтириш шартларини бузган давлат;

е) бошқа давлатнинг соҳилларини ёки портларини денгиздан қамал қилиб қўйган давлат халқаро низо'да ҳужум қилган давлат деб ҳисобланади.

2. Ҳеч қандай сиёсий, стратегик ёхуд иқтисодий мулоҳазалар, ҳужум остида қолган давлат территориясидаги табиий бойликлардан фойдаланишга бўлган интилишлар ёки бошқа ҳарқандай фойда ёхуд имтиёзлар олишга интилиш, шунингдек кўп миқдорда капитал қўйилганлигини ёхуд бу территориядаги бошқа алоҳида манфаатларни баҳона қилиш, бу территориянинг ўзи хос давлат хусусиятларини инкор қилиш 1-нчи моддада кўзда тутилган ҳужумни оқлаш учун асос бўлаолмайди.

Жумладан, қуйидагилар ҳужумни оқлаш учун асос бўлаолмайди:

А. Бирон давлатнинг ички аҳволи, масалан:

а) бирон халқнинг сиёсий, иқтисодий ёки маданий жиҳатдан қолоқлиги;

в) бу халқнинг идора ишларидаги нуқсонлар;

в) ажнабийларнинг ҳаёти ёки мол-мулкига хавф борлиги;

д) революцион ёки контрреволюцион ҳаракат, граждалар уруши, тартибсизликлар ёки иш ташлашлар;

е) бирон мамлакатда бирор сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий тузумнинг ўрнатилиши ёки сақланилиши.

Б. Бирон давлатнинг ҳарқандай хатти-ҳаракати, қонунлари ва фармойишлари, масалан:

а) халқаро шартномаларнинг бузилиши;

в) бошқа давлатга ёхуд унинг граждалларига савдо-сотиқ, концессиялар соҳасида ёки бошқа ҳархил иқтисодий ишларда берилган ҳуқуқлар ва манфаатларнинг поймол қилиниши;

в) дипломатия муносабатлари ёки иқтисодий муносабатларнинг узилиши;

д) иқтисодий ёки молиявий бойкот чоралари;

е) қарзларни тўлашдан бош тортилиши;

ж) иммиграциянинг тақиқланиши ёхуд чекланиши ёки ажнабийлар учун белгиланган режимнинг ўзгартирилиши;

д) бошқа давлат расмий вакиллари учун белгиланган ва э'тироф қилинган имтиёзларнинг бузилиши;

х) учинчи бир давлат территориясига бораётган қуролли кучларнинг иккинчи бир давлат территорияси орқали ўтишларига рухсат берилмаганлиги;

и) диний ва динга қарши характердаги тадбирларнинг жорий қилиниши;

к) чегара жанжаллари.

3. Агар бирон давлат қўпгина қуролли кучларини сафарбар қилса ёки бу қуролли кучларини ўз чегарасига яқин бўлган жойларга тўпласа, бу ҳаракатлар таҳдиди остида қолган давлат дипломатия йўли билан чоралар кўраолади ёки халқаро низо'ларни тинч йўл билан ҳал қилиш имкониятини берадиган бошқа йўллар билан чоралар кўраолади. Бу давлат юқорида айтилган тадбирларга ўхшаш ҳарбий характердаги жавоб тадбирларини ҳам кўраолади, лекин чегарадан ўтилмаслиги шарт.

Қуриядаги воқиалар

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 4 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 4 август эрталаб қуйидаги ахборотни э'лон қилди:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда душманга талафот етказиб, жанубга ҳужумни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг Санчжу (Сйосю) томонида ҳужум қилаётган қисмлари душман мудофаасининг муҳим пункти бўлган бу шаҳарни 2 августда озод қилдилар. Санчжу (Сйосю)ни озод қилиш учун олиб борилган жангларда Халқ армиясининг қисмлари душманнинг аскарларига ва техникасига кўп талафот етказдилар. Ўлжалар қўлга туширилди.

Шарқий соҳил районида Халқ армияси қисмлари америка қўшинларига ва лисинманчи қўшинларга қарши қаттиқ жангларни давом этдирмоқдалар.

Партизанлар Халқ армиясининг ҳужумига мадад бериб, Хэчжу (Кайсю), Улсань (Урусан), Пусан (Фузан). Тэгу (Тайкю) районларида ва бошқа жойларда ўз ҳаракатларини кучайтириб юбордилар.

ПХЕНЬЯН, 4 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 4 август кечқурун қуйидаги ахборотни э'лон қилди:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда душманга талафот етказиб, жанубга ҳужумни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг қисмлари америка қўшинларининг ва лисинманчи қўшинларнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, Тэгу (Тайкю) остоналарига борадиган йўлда душманнинг муҳим мудофаа узели бўлган Кимчхонь (Кинсен) шаҳрини тамомила озод қилдилар.

Халқ армияси қисмлари Кимчхонни озод қилиш учун бўлган жангларда америка қўшинларининг 1-нчи механикалаштирилган отлиқ дивизиясининг асосий кучларига жиддий зарба бердилар. Жуда кўп асирлар олинди ва кўп ўлжа қўлга туширилди.

Халқ армиясининг бошқа қисмлари Хепчхонь (Кйосен) шаҳрини озод қилдилар. Бу шаҳарнинг атрофидаги райлар ҳам озод қилинди.

Хепчхонни озод қилиш учун олиб борилган жангларда Халқ армияси қисмлари душманнинг кўпгина солдат ва офицерларини ўлдирдилар. Асирлар олинди ва ўлжалар қўлга туширилди.

ҚУРИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

НЬЮ-ИОРК, 4 август. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Токиодаги мухбири хабар беради: 8-нчи америка армиясининг штаби ахборот э'лон қилди. Ахборотда Шимолий Қурия қўшинлари Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсининг ғарбий қирғоғидан туриб 1-нчи отлиқ (мотомеханикалаштирилган) дивизиянинг патрулларини тўпга тутганликлари айтилади.

ЖАНУБИЙ ҚУРИЯНИНГ ОЗОД ҚИЛИНГАН РАЙОНЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МИТИНГЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 2 август. (ТАСС). Қуриянинг жанубий қисмидаги озод қилинган районларда Қурия хотин-қизлари озод қилинганига ва Қурия хотин-қизларига эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилганига 4 йил тўлганлиги тантанали суратда нишонлаб ўтилди.

Сеулда Демократик хотин-қизлар союзининг ташаббуси билан тантанали митинглар ўтказилди.

Сеул шаҳридаги Шарқ дарвозаси районининг хотин-қизлар митингида сўзга чиққан уй-рўзғор ишидаги Син Сан Сук бундай деди: Биз лисинманчи фашист-полиция ҳукмронлигидан озод бўлдик. Халқ армияси бизга озодлик келтирди. Биз эркаклар билан тенг ҳуқуқ олдик. Қурия хотин-қизлари озод қилинганига 4 йил тўлган куни байрам қилганимизда, биз Халқ армиясига ва қурия халқининг йўлбошчиси Ким Ир Сенга ташаккур изҳор қиламиз.

Лекин ҳали юртимизда америка империалистлари, озодлик ва бахтли ҳаёт душманлари турипти.лар. Биз тўла ғалаба қозонгунча уларга қарши курашмоғимиз керак.

Ҳамма митингларда Ким Ир Сенга табрик мактублари қабул қилинди.

Деҳқон хотин-қизлар ҳам Қурия хотин-қизлари озод қилинганлигининг 4 йиллигини нишонладилар. Кохян уездли деҳқон аёл Ким Гим Сун митингда бундай деди: Мен ҳамма ҳуқуқларга эга бўлдим. Халқ комитети сайловида эркаклар билан баравар қатнашдим. Ҳозир эркаклар билан баравар ер оламан. Мен умумий душманимиз — америка империалистлари ва лисинманчи босқинчилар устидан ғалаба қозониш учун бор кучимни сарфлайман.

Вьетнамда уруш ҳаракатлари

ШАНХАЙ, 4 август. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: 17 июльда Вьетнам партизанлари Ханой яқинида Қизил дар'ёсининг жанубий соҳилида француз парашютчиларига десантга атака қилдилар. Партизанлар ёнилғи омборига ва 10 та юк машинасига ўт қўйдилар. Душман кўп талафот кўрди.

1 июльда Вьетнам Халқ армияси қисмлари Тиен-Ду районида (Ханойдан 32 километр шимолда) француз колоннасини тор-мор келтириб, душманга кўп талафот етказдилар.

21 июньда Вьетнам Халқ армияси қисмлари Куанг-Бин билан Куанг-Три ўртасида французларнинг моторлаштирилган колоннасига қарши бўлган жангда 300 француз солдатини ўлдирганлар, 2 та француз аэропланини уриб тушурганлар ва кўп ўлжа олганлар.

Канадада тинчлик тарафдорлари та'қиб қилинмоқда

ОТТАВА, 4 август. (ТАСС). Бритиш Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Торонтодан хабар беради: шаҳар кўчаларида Стокгольм Мурожаатига имзо тўпланганлиги учун бундан икки ҳафта илгари қамоққа олинган Уолтер Крем суд томонидан 30 кун қамоқ жазосига ҳукм этилди.

Уолтер Крем Стокгольм Мурожаатига бир мингдан ортиқ имзо тўпланган эди.

Ўрта Шарқда Англиянинг ҳарбий тайёргарлиги

БАЙРУТ, 3 август. (ТАСС). Дамашқда чиқадиган «Алифбо» газетаси ёзади: «Араб ахборот агентлиги Багдод мухбирининг билдиришига қараганда, Британиянинг Ўрта Шарқдаги қуролли кучлари қўмондони Ироққа янги ҳарбий қисмлар, шунингдек яроғ-аслаҳа ва ҳарбий анжомлар юборган. Ироқ аҳолиси тунги пайтларда инглиз қўшинларининг Эрон ва Туркия чегараларига томон юборилаётганлигини ўз кўзи билан кўрмоқда. Бундан ташқари, Хаббаниядаги (Багдоднинг ғарбида.—**Редакция**) инглиз ҳарбий-ҳаво базасининг қўмондонлиги яқин ҳафта ичида кўп аэроплан келишини кутмоқда».

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯДА ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ТА'ҚИБ ЭТИЛМОҚДА

ПАРИЖ, 3 август. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Дюссельдорфдан билдирган хабаридан ма'лум бўлишича, Шимолий Рейн — Вестфалия ўлкасининг полицияси «Қурия — қуриялилар учун!», «Германия — немислар учун!», «Америкалилар, ўз уйларингизга жўнаб кетингиз!» деган шиорлар ёзилган плакатларни ёпиштириб юрган 59 коммунистни қамоққа олган.

Маc'ул муҳаррир ўринбосари
Б. РАҲМОНОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6 августда кечқурун Сталин мукофоти лауреати СССР халқ артисти **Ҳалима Носированинг** иштироки билан **Гулсара**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 6 августда **Фарҳод ва Ширин**.

«НАВОИЙ» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Уни Сухэ Батор деб атайдилар**.

«9-НЧИ МАЙ» — «**Потемкин**» броненоси.

«ИСКРА» (қишки) — 1-нчи залда **Ташландиқ бола**, 2-нчи залда рангдор фильм **Ўлимга маҳкум этилганлар фитнаси**, 3-нчи залда **Биринчи Май**.

«ИСКРА» (ёзги) — **Балет солистқаси**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 9 ва 11 да **Менинг сенгим**.

«ШАРҚ» — **Эльбада учрашув**.

«РОДИНА», «ВАТАН», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ХЕВА», «УЗБЕКИСТОН», «УДАРНИК» кинотеатрларида — янги бадиий хитой фильми **Хитой қизлари**.

Муқимий номли театрнинг ёзги биносида
(Пушкин номли парк)
Ғ. Камол номидаги Татар давлат академик театрининг гастролларн
7 августда
Нақи Исанбет асари
ХУЖА НАСРИДДИН
5 пардали комедия.
Спектакль кеч 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

«ГЛАВКИНОПРОКАТ» НИНГ УЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
республика кинотеатрларида кўрсатиш учун
қуйидаги
янги фильмлар чиқарди
Бадиий фильмлардан:
БИНОКОР ТЎЛКИ
(мультипликацияли фильм).
Ҳужжатли фильмлардан:
БИРИНЧИ МАЙ
(Москва шаҳрида 1950 йилги Биринчи май байрами тўғрисида).
КОЛХОЗ КЕЧАСИ.
Илмий-оммабоп фильмлардан:
ЧУЧҚА БОЛАЛАРИНИ УСТИРИШ.
КЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГИЗ.
ТЕРИНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛИ.
ЧАНҒИДА ЮРИШ.
Фильмларни «Главкинопрокат» чиқарган.

«Таштекстильмаш» заводининг
ИШЧИЛАР ТА'МИНОТИ БЎЛИМИ ТУГАТИЛАДИ
Да'волари бўлган ташкилотлар ва кишилар шу э'лон чиққан кундан бошлаб икки ҳафта ичида заводнинг бухгалтериясига билдирсинлар.
Адрес: Тошкент шаҳар, Текстильная кўчаси, 7-нчи уй.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
Яқин кунда ПРЕМЬЕРА
Хожибеков музикаси
КЎР ЎҒЛИ
5 пардали опера
саҳнага қўйилади.

Тошкент давлат консерваторияси ҳузуридаги
Успенский номли 10 ИЮЛЛИК МУЗИКА МАКТАБИ
1950/51 ўқув йилида:
қилли музика асбоблари бўлимига (скрипка, альт, виолончель, контрабас, арфа синфларига) ва духовой музика асбоблари бўлимига УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
Мактабгача музика группасига музикадан яхши қобилияти бўлган 7 ёшдаги болалар қабул қилинади.
1-нчи ва юқори синфларга кириш учун музикадан тегишли тайёрликнинг бўлиши талаб қилинади.
Духовой музика асбоблари бўлимига тайёрлиги бўлмаган 11 ёшдаги болалар қабул қилинади.
Аризани музика мактабининг директори номига ёзиб, тегишли ҳужжатлар билан тақдим қилиш лозим.
Кириш имтиҳонлари 20 августдан бошланади.
Адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 31-нчи уй, 26-нчи хона.

В. М. Молотов номидаги
ТОШКЕНТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
қуйидаги кафедраларнинг:
терапия, хирургия, педиатрия, тропик касалликлар, болалар хирургияси, кўз касалликлари, асабий касалликлар, қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари, психиатрия, тери-венерология касалликлари, сил, урология кафедраларининг клиник ординаторлари ва хирург-онколог вазифасида ишлаш учун
КОНКУРС Э'ЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати — 1 ой. Ординаторликка 3 йил давомида врач бўлиб ишлаган кишилар қабул қилинади.
Конкурсда қатнашиш учун институт директори номига ариза ёзиш ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада қўшиб тақдим қилиш лозим: 1) таржимаи ҳол, 2) врачлик дипломининг копияси, 3) кадрларни ҳисобга олиш варақаси, 4) кейинги иш ўрнидан характеристика, 5) ҳарбий хизматга муносабати ҳақида ҳужжат, 6) иккита фотокарточка.
Ариза ва ҳужжатларни юбориш учун адрес: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 85-нчи уй.
Жараҳик кўча, 4-нчи уйда туручи Ҳусан Қаҳҳоровнинг шу уйда туручи Обида Тўлагановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

«СОЮЗПОСИЛТОРГ» НИНГ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОИДАЛАНИНГИЗ!
СССР Савдо министрлиги қарамоғидаги «СОЮЗПОСИЛТОРГ» НИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ қуйидаги САНОАТ МОЛЛАРИНИ ҲАММА ГРАЖДАНЛАРГА Почта орқали ПОСИЛКА ҚИЛИБ ЮБОРАДИ
Подольск заводининг **қўл тикув машиналари**, Калуга фабрикасининг **аккордеонлари, баянлар, патефонлар, граммофон пластинкалари, граммофон игналари, скрипка, балалайка, гитара, мандолина** ва ҳархил **гармоньлар, «Зоркий», «Москва-2», «Киев», «Любитель» «Комсомолец» фотоаппаратлари, фото учун моллар** ва химикатлар, **«Урал-49» радиоласи, «Рекорд», «Москвич», «АРЗ-49», «Родина» радиоприёмникларн** ва улар учун **батареялар, чўнчак фонарьлари**, улар учун **батареялар** ва **лампочкалар, «Москва-2» маркали кичик ёзув машиналари**, эркак ва хотин-қиз **велосипедлари, велопокришка** комплектлари, **мотопокришка** комплектлари, **самоварлар** ва никельли **патнислар, керогаз, примус** ва **горелкалар, гўшт қиймалаш машиналари, соч олиш машиналари**, ҳархил **устаралар**, ҳархил **соатлар**, рўзғор учун **электр моллари, мактаб-ёзув асбоблари**, ҳархил **галантерея, каштадўзлик моллари, пойпоқлар, чақалоқлар учун моллар.**
Муассасалар ёзув машиналари учун пулни банк орқали тўлашлари мумкин.
Моллар прейскурантини талаб қилингиз. Прейскурантни олиш учун хатга 60 тийин миқдорида почта маркаси қўшиб юборингиз.
Адрес: Тошкент шаҳар, Островский кўчаси, 3-нчи уй.

«СРЕДАЗВОДОПРОЕКТ» ТРЕСТИГА
Тошкент шаҳрида ишлаш учун: ирригатор, гидролог, гидрогеолог, геолог, тупроқшунос-мелиоратор **инженерлар ва техниклар, тадқиқот партияларининг бошлиқлари, старший топографлар, механиклар, бош бухгалтер ўринбосари, вичислительлар**
К Е Р А К
Шоферларга ишбай-прогрессив асосда ҳақ тўланади. Елғизлар ётоқ билан таъминланади. Автобазанинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Янгийўлдаги қанд заводининг автобазасига
юк машиналарида ишлаш учун **шоферлар**, 5—6 разрядли **автослесарьлар** ва **дурадгорлар**, автопокришкалар ремонтини билган **вулканизаторлар**
К Е Р А К
Шоферларга ишбай-прогрессив асосда ҳақ тўланади. Елғизлар ётоқ билан таъминланади. Автобазанинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Р. 01490

«Қизил Узбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган